Хақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 27 июль, шанба • № 59 (10.834) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

25 ИЮЛЬ КУНИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ РАИСЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛДИ. МАЖЛИСДА 1996 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОРИШИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ. МАЖЛИСДА РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НУТҚ СЎЗЛАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Ҳар чорак охирида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга якун ясаш, иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада юз бераётган ўзгаришларни мунтазам таҳлил этиш, олдимизга қўйилган мақсад ва вазифалар қай даражада бажарилаётганини баҳолаб бориш изчил анъанага айланиб қолди.

Бу ҳол бизга ислоҳотлар йўлида нима ишлар қилганимиз, қандай ижобий силжишларга эришганимиз ва қанчалик олға кетганимизни рўйрост аниқлаб олиш имконини беради. Шу билан биргаликда, бу жадал олдинга юришимизга нималар халал бераётгани ва тўсқинлик қилаётгани, заиф томонларимиз, оқсоқ жойларимиз, ҳали ишга солинмаган имкониятларимиз тўғрисида, очиқ-ойдин гаплашиб олишимиз имконини беради. Хуллас, ишларимизнинг аҳволи тўғрисида тўла ва ҳаққоний тасаввурга эга бўлмоғимиз лозим.

Биринчи ярим йиллик натижаларини кўриб чиқаётганда, айнан белгилаб олинган вазифа ва ислоҳотлар йўлидан оғишмай, собитқадамлик билан бориш - муттасил ривожланиш ва олға силжишимизнинг асосий кафолати эканини назарда тутган ҳолда, аввало, республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим принциплари ва устувор йўналишлар қандай бажарилаётганини ажратиб олишимиз ва баҳо беришимиз керак бўлади.

Худди шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, биз ўтган даврда қилинган ишларга якун ясашимиз зарур.

Ҳурматли дўстлар!

Мен, Ўзбекистон мустақиллигининг 4 йиллигига бағишланган тантаналарда (1995 йилнинг 1 сентябри) имкониятларимиз ва истиқболимизга холисона баҳо бериб, 1996 йил, иншооллоҳ, Ўзбекистон учун туб бурилиш ва юксалиш йили бўлади, деб айтган эдим.

1996 йилнинг дастлабки ярим йили якунлари том маънода ҳаётимизда туб бурилиш юз бергани ва иқтисодиётимизнинг жадал ўсиш даври бошланганини кўрсатмоқда.

Ярим йиллик якунларини таҳлил этар эканмиз, Ўзбекистон ислоҳотларнинг, иқтисодиётни соғломлаштиришнинг дастлабки энг машаққатли ва оғир босқичини босиб ўтди, дейишга барча асосларимиз борлигини яққол кўришимиз мумкин. Ҳуқуқий ва ташкилий-институционал ўзгаришларнинг, жамиятимизда таркиб топган янгича муносабатларнинг мустаҳкам пойдеворига таянган ҳолда иқтисодиётимиз бозор муносабатларига босқичма-босқич, пешма-пеш кириб келмоқда, тобора барқарорлашмоқда ва мустаҳкамланмоқда.



Умумиқтисодий кўрсаткичлар билан биргаликда тармоқлар, аввало, асосий ҳал қилувчи тармоқлар, республика ҳудудлари, иқтисодиётнинг айрим секторлари кўрсаткичлари, молия ва банк соҳасида амалга оширилаётган ишлар кўлами шундан дарак бериб турибди.

Дастлабки ярим йиллик натижаларни рўй-рост ва танқидий кўз билан баҳолаганда, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчи хулоса. Бутун иқтисодиётимизни муваффақиятли ислоҳ этишнинг энг муҳим натижаси бўлмиш мустаҳкам макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Бу нималарда кўринади? Аввало, пулнинг қадрсизланиш суръатлари кескин пасайди. Инфляцияни жиловладик, унга қарши кураш механизмини тотдик ва унинг устидан тўла назорат ўрнатдик, деб бемалол айтишимиз мумкин.

Биз жорий йилда энергия манбалари, транспорт ва коммунал хизмат нархларини эркин қўйиб юбориш бўйича қўлланган чоратадбирлар ва мавсумий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, инфляциянинг ўртача ойлик даражаси, умуман, ярим йиллик бўйича 4 фоиз атрофида бўлгани ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баробар кам экани бунинг ёркин далилидир.

Пул муомаласи мустаҳкамланди. Нақд пул ҳажмининг ўртача ўсиш суръатлари 1995 йил даражасига нисбатан 1,3 фоиз камайди. Муомалага чиқарилаётган нақд пул миқдори - эмиссия ярим йилликда 15,8 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 1995 йилнинг шу даврида 20,7 фоизга тенг бўлган эди.

Умуман олганда, корхоналар ва давлатнинг молиявий аҳволи мустаҳкамланди. Агар 1995 йили зарар кўриб ишлаган корхоналар сони 630 тани ташкил этган ва биз уларга нисбатан махсус чоралар қўллашга мажбур бўлган бўлсак, бугунги кунда ярим йилликни, бориўғи, 58 та корхона зарар кўриб якунлади. Бюджетнинг даромад ва харажат қисмларини шакллантириш бўйича қўйилган вазифалар бажарилди. Бугунги кунда бюджет камомади ялпи ички маҳсулотнинг 2,1 фоизидан ошмайди, 1995 йил натижаларига кўра эса бу кўрсаткич 3,5 фоиз бўлган эди. Республикада бюджет маблағлари ёрдамида ўта муҳим объектлар қурилиши жадал амалга оширилаётганини ҳисобга олсак, бу нечоғлик аҳамиятли эканини кўрсатади.

Иккинчи хулоса. Миллий валютамиз - сўмимиз мустаҳкамланди. Кейинги тўққиз ой давомида сўмнинг АҚШ долларига амалдаги нисбати барқарор бўлиб турибди. Агар 1995 йилнинг ноябрида бир АҚШ доллари 35,3 сўмга тенг бўлган бўлса, шу йилнинг июнь ойида эса 37,6 сўмга тенг бўлди.

Бугунги кунда жамланган олтин-валюта резервларимиз етти ойлик импортни таъминлаши мумкин. Бу Республика валюта биржасида доимий равишда савдо ўтказиш имконини бермоқда. Ярим йилнинг ўзида биржада сотилган валюта миқдори 1,5 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетди. Бу бутун 1995 йил давомида алмаштирилган эркин муомаладаги валюта миқдоридан ҳам кўп демакдир. Биз бугунги кунда жорий операциялар бўйича миллий валютамизнинг тўлиқ конвертациясига кафолат беришимиз мумкин.

Учинчи хулоса. Хусусийлаштириш жараёни чуқурлашди ва кенгайди. У сифат жиҳатидан янгича аҳамият касб этганини ҳам қайд этиш лозим. Агар дастлабки йилларда асосий эътибор масаланинг миқдор кўрсаткичларига, яъни қанча корхона мулк шаклини ўзгартирганига қаратилган бўлса, бугунги кунда хусусийлаштиришнинг сифат кўрсаткичлари асосий талаб мезони бўлиб қолди.

Биз учун бугунги кунда хусусийлаштирилган корхоналар қандай тусга-шаклга кираётгани, улар нечоғли самара бериб ишлаётгани, иқтисодиётга қанчалик наф келтираётгани муҳимрокдир. Агар 1994 йилда ҳиссадорлик корхоналари сони 2900 тани ташкил этган ва асосан ёпиқ турда бўлган бўлса, ҳозир 4,5 минг очиқ турдаги ҳиссадорлик корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Расман қайд этилган деҳқон (фермер) хўжаликлари сони 7,5 мингтадан 19300 тага кўпайди. Жорий йилнинг ўзида кичик ва хусусий корхоналар сони 19100 тага кўпайди ва шу йилнинг 1 июлига келиб 83,5 мингтага етди.

Агар олдинги йиллар унчалик катта бўлмаган ва ўрта корхоналар хусусийлаштирилган бўлса, бугунги кунга келиб, йирик корхоналар ҳам мулкчилик шаклини ўзгартирмоқда. Биринчи ярим йилликда акциялар сотувидан 1,7 млрд. сўм маблағ тушди ва бу 1995 йил кўрсаткичларидан 15,6 марта кўпдир. Умуман олганда, хусусийлаштиришдан тушган даромад, тахминан, 3 млрд. сўмни ташкил этди.

Бугунги кунда аксарият корхоналар хусусийлаштирилди. Агар 1993 йили жами корхоналарнинг 39,4 фоизи давлатга тегишли бўлмаган корхона бўлса, 1994 йилда бу кўрсаткич 57,7 фоизга, бугунги кунга келиб эса 82,7 фоизга етди.

1993 йили халқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг 48 фоизи нодавлат секторида ишлаган бўлса, айни пайтда уларнинг 70 фоизи мазкур секторда фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда саноат маҳсулоти ҳажмининг ярмидан кўпроғи, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 95 фоизи, чакана товар оборотининг 94 фоизи, пудрат ишларининг 61 фоизи нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келади.

Тўртинчи. Мўлжалланган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётда сезиларли таркибий ўзгаришлар юз берди.

Кўпгина хомашё ресурсларининг саноат қайта ишлови ошгани ижобий силжиш экани шубҳасиздир. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш улуши кўпайди, уларнинг кўпчилиги рақобатга бардошли бўлиб қолди. Агар 1993 йили тайёр маҳсулот, саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг қарийб 45 фоизини ташкил этган бўлса, жорий йилда у 65,6 фоизга етди.

Иқтисодиётимиз киёфасини ўзгартираётган соҳаларгина эмас, унинг ташқи омиллардан дахлсизлигини, қолаверса, ялпи миллий маҳсулот ўсишини таъминлаётган соҳалар ҳам жадал ривожлана бошлади. Биринчи ярим йилликда автомобиль саноати тез суръатлар билан тараққий этди, унинг ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йил даражасига нисбатан 6 баробар, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги - 34,4 фоиз, асбобсозлик - 24,2 фоиз, кимё ва нефть кимёси - 15,3 фоиз, станоксозлик ва асбоблар ишлаб чиқариш саноати - 13,3 фоиз, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза- қоғоз саноати - 18,8 фоиз ўсди.

Жорий йилда республиканинг энергетика мустақиллигини мустаҳкамлаш сиёсати давом эттирилди. Нефть ва газ саноати барқарор ривожланмоқда. Нефть ва газ конденсати ишлаб чиқаришнинг ўтган йилги даражаси юқори бўлганига қарамай, бу йил уларни ишлаб чиқариш ҳажми 230 минг тонна, табиий газ - 130 млн куб метр, кўмир - 44 минг тоннага ошди.

Тўқимачилик саноати, қора ва рангли металлургия, қурилиш материаллари саноати, пудратли қурилиш фаолияти, пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси каби механатталаб соҳалар жадал суръатлар билан ривожланди. Бу юртимизнинг иш кучини тўлароқ банд қилишга имкон яратди.

Жорий йилда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўпайганини ҳам жиддий силжиш, туб бурилиш палласи деб баҳолаш мумкин. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йил даражасига нисбатан 6,3 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари - 3,6 фоиз, ноозиқ-овқат товарлари - 5,8 фоиз ўсди. Энг муҳими, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмигина эмас, балки уларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган улуши ҳам 4,3 фоиз кўпайди. Бугунги кунда 1450 та ёки барча корхоналарнинг 70 фоиздан ортиқроғи истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

Кейинги йилларда ишлаб чиқариш таркибини сифат жиҳатидан ўзгартириш, четдан келтириладиган маҳсулотлар (импорт) ўрнини босадиган товарлар ҳамда янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш жараёни кечмоқда. 1995 йилнинг ўзидаёқ саноатнинг барча соҳаларида 400 дан ошиқ янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, биринчи ярим йилликда эса уларнинг яна 120 тури ўзлаштирилди.

Тузилма ўзгаришлари ва устувор инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида гап кетганда, республикамиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган бир воқеани алоҳида таъкидлашни истардим. Мен Жанубий Кореянинг «ДЭУ» фирмаси билан биргаликда Асака шаҳридаги қурилган ва ишга туширилган автомобиль заводини назарда тутяпман. Марказий Осиёдаги биринчи автомобиль заводи бунёд этилиши ва бу улкан корхона бир йилда 200 минг енгил автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга эканининг ўзи тарихий воқеадир.

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

1 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

МАМЛАКАТИМИЗДА республикамиз мустақиллигининг беш йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик ишлари қизиб кетди. Бу муҳим санани Тошкент вилояти меҳнаткашлари ҳам ўзига хос ютуқлар, янгиликлар билан нишонлашга аҳд қилганлар.

АЙНИ кунларда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида байрамни юксак савияда ўтказиш тадбирлари фаол олиб борилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Тошкент вилоятида бу йилги байрам тантаналарини ўтказишга янгича ёндошилмоқда.

Вилоят ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида қабул қилган қарорида ҳам ана шу масалалар ўз аксини топган. Белгиланган тадбирларнинг энг эътиборли томони шундаки, ушбу байрамдан ҳеч кимнинг бебаҳра қолмаслиги, аксинча, унда фаол иштирок этиши, барча шаҳар ва туманларда, корхона ва муассасаларда, меҳнат жамоаларида ва аҳоли турар-жойларида бу тадбирни кенг нишонлаш алоҳида таъкидланган.

Меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатган жамоаларни, меҳнаткашларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ёлғизлар, ногиронлар, болалар ва қариялар уйларида хайрия тадбирларини ўтказиш, кам таъминланган оилалар, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилди.

Яна бир муҳим ишлардан бири — байрам арафасида йил бошида бошланган турли кўрик-танловлар ва амалий ишларга якун чиқаришдир. Ғолибларга вилоят ҳокимлигининг мукофотлари топширилади.

Сўнгги йилларда вилоятда ҳар бир шаҳар ва туманнинг ўзига хос кўринишини, марказини, гузарларини барпо этиш ҳаракати кенг кулоч ёзди. Бу йил ҳам яна бир қатор туман ва шаҳарларда ана шундай марказлар, гузарлар, дам олиш масканлари ўз ишини бошлайди. Мустақиллик байрами ҳам ана шу жойларда ўзига хос ва рангбаранг тусда ўтади.

Вилоят ҳокимининг қарори билан тузилган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги тантаналарига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вилоят ташкилий кўмитаси бу ишларни ташкил этишда ва ўтказишда бош-қош бўлади.

ТАРАДДУД

ВИЛОЯТ маданият ишлари бошқармаси ғалла етиштираётган ва ўрим-йиғимни ташкил этишда жонбозлик кўрсатаётган туманларга аниқ режа асосида бадиий хизмат кўрсатишни намунали йўлга қўйган эди. Жумладан, Пискент, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ ва бошқа туман ғаллакорларига шу кунгача ўндан ортиқ маданий хизмат кўрсатилди.

Айни чоғда, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги байрамига катта тайёргарлик олиб борилмоқда. Чунончи, вилоят илмий-услубиёт маданият маркази ва «Турон» илмий-универсал кутубхонаси томонидан мустақиллик байрамини ўтказиш бўйича тавсияномалар тайёрланиб, жойларга тарқатилди.

Ҳозирда вилоятимизда 10 та бадиий ҳаваскорлик жамоалари байрамга қизғин тайёргарлик ишларини олиб бормоқда. Бу бадиий жамоалар орасида халқимизга кенг танилган Ангрен шаҳар «Шанс» шоу-балет, Бекобод шаҳар «Нилуфар» ашула ва рақс дасталари, Оққўрғон туман «Қувонч» бадиий ҳаваскорлик жамоалари бор.

Баҳодир ВАЛИЕВ.

ДЎСТОНА ТУҲФА

Япониянинг бир гуруҳ вакиллари ҳамкорлик мақсадларида Чирчиқ шаҳрига ташриф буюрдилар. Уларни шаҳар ҳокимлиги вакиллари, йирик ташкилотлар, корхоналар раҳбарлари кутиб олдилар.

Меҳмонлар урушда ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйиш билан ҳурмат бажо келтиришгач, шаҳар ҳаёти билан танишдилар.

Меҳмонлар шаҳар болалар шифохонасида бўлишиб, беморлар учун тангликдан қутқарув ва нафас билан таъминлаш бўлинмасига 155 минг долларлик тиббиёт жиҳозларини топширишди.

— Биз, — дейди ўзаро ҳамкорлик гуруҳининг вакили Хидэюки Санамото, — Ўзбекистонга 1996 йилда 1 миллион 500 минг долларлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатдик. Улардан Чирчиқ, Марғилон, Бахт ва Қўқон шаҳарлари ҳамда Сирдарё, Фарғона, Жиззах вилоятларидаги болалар шифохоналари ва тиббий муассасалари бахраманд бўлдилар.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган 1991 йилдан буён эса турли дори-дармон, тиббиёт ускуналари сифатида 15 миллион долларлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди. Уйлайманки, бу каби тадбирлар кенг миқёсда давом этаверади.

Учрашув якунида шаҳар ҳокимлиги номидан меҳмонларга миннатдорчилик изҳор этилди.

Салима ЯМИНОВА.

БАЙРАМГА ИШГА ТУШАДИ

ТОШКЕНТ туманн худудидаги бир қатор қишлоқларнинг маҳалла қўмиталари байрамгача янги бинога кўчиб ўтади. Келес шаҳрида 2 та, Қизғалдоқ, Юнусобод, Масалбой қишлоқ кенгашлари ҳудудларида жойлашган маҳалла қўмиталари учун замонавий бинолар қурилиши жадал олиб борилмоқда. Мустақиллик байрамигача туманда жами 10 та маҳалла қўмиталари учун бинолар қуриб битказилади.

Акбар УМИРОВ.

МУСТАҚИЛЛИКНИ МАДҲ ЭТИБ

ТУМАН «Меҳнат байроғи» таҳририяти ҳамда маънавият ва маърифат маркази туман бўлими биргаликда мустақилликнинг беш йиллик байрамига бағишлаб «Ватан — тақдиримизда» мавзуида танлов эълон қилган эдилар.

Ғолибларга битта 2 минг сўмлик, битта 1,5 минг сўмлик ва ҳар бири 750 сўмдан иккита мукофот таъсис этилди.

Б. Сатторованинг «Бобур қадами етган Кент» С. Иномовнинг «Бу шундай юртки...», тарих фани ўқитувчиси Х. Эрматованинг «Кўҳна юртим» сарлавҳали мақолалари ана шу танловга келган мақолалар рукни остида эълон қилинди ва ўқувчилар томонидан қизиқиш билан қарши олинди. Танлов давом этмоқда.

Ғолиблар мустақиллик байрами кунида эълон қилинади.

Тўхташ ҚОСИМОВ,
Пискент тумани.

РЕЖА БАЖАРИЛДИ

Республикамиз ғалла мустақиллигига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишга аҳд қилган Тошкент вилоят деҳқонлари давлатга 214 минг тоннадан ортиқ дон топшириб, ваъдаларини бажардилар



Шу йилнинг 23 январь куни республика Вазирлар Маҳкамасида ғалла ва пахта етиштиришнинг аҳволи муҳокама қилиниб, келгусида бу соҳаларни ривожлантириш юзасидан вазифалар белгилаб олинган эди. Ўша йиғилишда Республикамиз Президенти «Қишлоқ хўжалиги тараққиёти, хусусан, пахта ва ғалла етиштиришни кўпайтириш биз учун ҳаёт-мамот масаласи эканини ҳеч қачон унутмайлик», деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, республика Президенти ва ҳукумати қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, айниқса, ғалла мустақиллигини таъминлашга алоҳида эътибор бермоқда. Вазирлар маҳкамасининг шу йил январь ойида қабул қилган «1996 йилда бошоқли экинлар дони етиштириш ва харид қилиш ҳажмлари тўғрисида»ги қарори ҳам деҳқонларимизга янада катта имкониятларни очиб берди.

Яратиб берилган қулайликлардан оқилона фойдаланаётган ва республика ғалла мустақиллигига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш учун курашаётган вилоятимиз ғаллакорлари бу йил баракали меҳнат қилдилар. Ҳар бир соҳада бўлгани каби ғаллачиликда ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш учун бутун имкониятлар ишга солинмоқда. Белгиланган майдонларга дон экиш, уларни агротехника қоидалари асосида парвариш қилиш, ҳосилдорликни ошириш қатъий назоратга олинди. Айниқса, ғаллазорларни ўз эгаларига топшириш яхши самаралар бермоқда.

Вилоятда ўрим-йиғим мавсумига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилди. Жойларда зарур ташкилий ишлар амалга оширилди. Мавжуд ишчи кучлари ва техника воситалари ўрим-йиғимга тўла сафарбар этилди. Деҳқонларга унумли ишлашлари учун қулай шарт-шароит яратилди. Ғаллани тўхтовсиз ташиш ва қабул қилиб олиш чоралари кўрилди.

Қилинган ана шу меҳнатлар ўзининг самарасини берди. Тошкент вилояти ғаллакорлари кеча давлат омборларига 214 минг тоннадан ортиқ дон топшириб, буюртмани бажардилар. Бу муваффақиятга Пискент, Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ, Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Янгийўл, Юқоричирчиқ ва Қибрай туманларининг ғаллакорлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Кўплаб хўжаликларда суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан 42-45 центнердан ошириб сара дон йиғиштириб олинди.

Вилоятда давлатга ғалла топшириш режаси бажарилган бўлса-да, ўрим-йиғим ишлари уюшқоқлик билан давом этирилмоқда. Деҳқонлар барча ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Айни пайтда жойларда ҳосилдан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экиш қизғин бораяпти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида:

1. 1996 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида:

иш ҳақининг энг оз миқдори — ойига 550 сўм;

меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори — ойига 1125 сўм;

фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган даромади энг оз миқдори — ойига 600 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нўлинчи) разряднинг энг оз миқдори — ойига 600 сўм миқдорида белгилансин.

2. 1996 йилнинг 1 сентябридан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари стипендияларининг миқдорлари ўрта ҳисобда 1,25 баравар оширилсин.

3. 1996 йил 1 сентябрдан қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

— болалигидан ногиронлар учун нафақалар миқдори ойига 1125 сўм;

— зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар учун нафақалар миқдори ойига 680 сўм.

4. Иш ҳақига устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек боласи икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилувчи оналарга, болали оилаларга нафақалар ҳамда энг оз иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар ушбу фармонда кўрсатилган энг оз иш ҳақи миқдори асосида 1996 йил 1 сентябрдан бошлаб амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 23 июлдаги 262-сон қарори билан ягона тариф сеткасининг янги тариф коэффициентлари жорий этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар мазкур фармон қоидаларига асосланиб ҳамда 1996 йил 1 сентябрдан жорий этиладиган янги тариф коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендияларнинг ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимлари мансаб маошларининг миқдорлари ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

7. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини ҳамда боласи икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қиладиган ишловчи оналарга нафақаларни ошириш билан боғлиқ ҳужжатларнинг 80 фоизи республика давлат бюджети ҳисобидан ва 20 фоизи бюджет муассасалари ва ташкилотларининг сметалар бўйича умумий харажатларини камайтириш, жумладан ишловчилар сонини қисқартириш ҳисобидан;

— олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендияларини, 16 ёшгача болалари бўлган оилаларнинг нафақаларини, боласи икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилувчи ишламайдиган оналарнинг нафақаларини, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни ошириш билан боғлиқ харажатлар тўлиқ республика давлат бюджети ҳисобидан;

— болалигидан ногиронлар учун, шунингдек, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар учун барча турдаги пенсиялар ва нафақаларни ошириш билан боғлиқ харажатлар ижтимоий суғурта фонди ҳисобидан қопласин.

8. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотлар:

— энг оз иш ҳақини мазкур фармонда белгиланган миқдорда оширилишини таъминласинлар;

— ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат харажатларини тежашга ҳисобидан иш ҳақини кўпайтирсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 18 мартдаги 1408-сон Фармони (8-банди бундан мустасно) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилишни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 24 июль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Автомобиль заводининг бунёд этилиши, саноатнинг янги соҳаларини вужудга келтириб ва замонавий технологиялар соҳасида тубдан янги поғонага кўтариб қолмасдан, яқин истиқболда саноат соҳасидаги сиёсатимизда кескин бурилиш ҳам ясайди.

Автомобиль заводи қурилиши бугуннинг ўзидаёқ рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, дунё бозорларига чиқиш ва у ерларда муносиб жой эгаллаш имконини беради.

Бу завод қурилиши бутун бошли индустрияни, ишлаб чиқаришнинг замонавий соҳалари мажмуини вужудга келтиради. Улар келгусида ўша завод учун ишлайди, унга бутловчи ашёлар, хомашё ва материаллар етказиб беради. Ҳозирнинг ўзидаёқ автомобиль ойналари, ўриндиқлари, дисклари, электр ускуналари ишлаб чиқарадиган заводлар қурилиши бошлаб юборилди. Улар эртага сифат жиҳатидан янги технологиялар даражасидаги моторлар, боғловчи мосламалар ва агрегатлар, кимёвий ва полимер материаллар ҳамда автомобиллар учун зарур бошқа буюмлар ишлаб чиқарадиган бутун бошли заводлар ва цехлар бўлади. Бу ўзимизнинг конструкторлик базамиз ривожланишини англатади. Бу ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурасини яратиш ҳамда қайта ихтисослаш, бутунлай янгича хизмат кўрсатадиган банк ва суғурта тизимини, замонавий сервис хизматларини шакллантириш демакдир.

Бу миллий кадрларнинг профессионал даражасини ўзгартириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг замонавий тизимларини жорий этиш демакдир. Ниҳоят, бу янги иш жойлари яратиш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш демакдир.

Қишлоқ хўжалик машиналари паркини «Кейс» русумидаги ғалла ўриш комбайнлари билан тўлдириш ҳам чуқур таркибий ўзгаришларга олиб келиши лозим. Бугунги кунда биз бундай комбайнлардан 340 тасини сотиб олдик ва улар далаларимизда синовдан ўтяпти. Уларнинг меҳнат самарадорлиги, нобудгарчиликни кескин камайтириши, иш шароитлари жиҳатидан устунлиги ҳозирнинг ўзидаёқ кўриниб қолди. Қишлоқ хўжалигида бу машиналардан фойдаланишнинг ўзиёқ унинг ишлаб чиқаришида таркибий ўзгаришлар юз берганини кўрсатади, яъни ғалла экиладиган майдонлар кенгайди. Пахта билан биргаликда бошоқли дон экинлари етиштириш мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг яна бир ихтисослашган соҳасига айланмоқда. Бу қишлоқ хўжалик машинасозлигини ҳам, қишлоқ хўжалик хомашёсини саноат қайта ишлови билан боғлиқ соҳаларни ҳам, тегишли кадрларни тайёрлашни ҳам таркибий жиҳатдан кескин ўзгартиришни тақозо этади.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар янги қурилишлар ҳисобигагина эмас, асосан, мавжуд ишлаб чиқаришни янгилаш ҳисобига амалга оширилади. Бу - аён ҳақиқат. Бугунги кунда технологияларни янгиламай туриб, техник жиҳатдан қайта қуролланмай туриб, кўзлаган мақсадга эришиб бўлмайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, олдинги йиллардагидан фарқли ўлароқ, айни замонда капитал маблағлар янги ва улкан иншоотлар, бинолар қурилишига, яъни асосий фондларнинг пассив қисмига эмас, балки технологияларни янгилашга сарфланмоқда. Бу қурилиш муддатларини қисқартиради, сарфланган маблағларнинг ўз-ўзини қоплашини тезлаштиради. Бундай мисоллар оз эмас. Қиймати 230 миллион АҚШ долларига тенг ва мисли кўрилмаган қисқа муддат — 18 ойда барпо этилган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси худди шу каби лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқ эканига далилдир.

Бешинчи хулоса. Республикада бозор инфраструктурасини яратиш ва ривожлантиришда сезиларли силжиш рўй берди.

Қисқа вақт ичида бозор инфраструктурасига асос солинди. Банк ва молия тизими ислоҳ этилди. Суғурта ва аудиторлик тармоғи яратилди. Замонавий компьютер ва телекоммуникация тизими билан жиҳозланган ва Марказий Осиёда энг йирик Биржа маркази ишга тушди.

Кўчмас мулкни сотиш бўйича 190 та, лицензия сотиш бўйича 132 брокерлик идораси, Республика фонд биржасининг 13 филиали ва бўлими, Миллий депозитарийнинг 10 филиали, 62 фонд магазини ва 38 бизнес марказлари ва бозор инфраструктурасининг бошқа қатор таркибий қисмлари фаолият кўрсатмоқда.

Олтинчи хулоса. Кўзда тутилган дастурни муваффақиятли амалга оширишнинг натижаси ўлароқ, асосий иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишига эришдик.

Шу маънода 1996 йил биз учун кескин бурилиш йили бўлди. Биринчи бор ички ялпи маҳсулотнинг пасайишига барҳам берилибгина қолмасдан, балки унинг 101,4 фоиз ўсиши таъминланди. Саноат маҳсулоти ҳажми 105 фоизга ошди. Хусусан, мамлакатимизнинг барча вилоятларида саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши таъмин этилди. Жорий йилда, айниқса, Тошкент шаҳрида, Тошкент вилоятида, Сирдарё, Андижон, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида саноат тез суръатлар билан ривожланди.

Шу борада қишлоқ хўжалик соҳасида, ғалла етиштиришимизда эришилган натижаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли ҳозирги кунда республика бўйича 1 млн. 820 минг тонна ғалла, жумладан 1 млн. 700 минг тонна буғдой тайёрланди. Шуни айтиш керакки, ўтган йилнинг шу муддатига нисбатан бу йил ғалла 100 минг тонна, буғдой эса 200,0 минг тонна кўп тайёрланди.

1995 йилда ўртача ҳосилдорлик гектарига 21 центнер бўлган бўлса, бу йил бу рақам 22 центнерни ташкил этди. Агар бу йил об-ҳаво лалмикор майдонларда ғалла етиштиришга салбий таъсир кўрсатганини инобатга олсак, бу натижалар ниҳоятда салмоқли эканлиги аён бўлади.

Бу йил ғалла етиштириш ва тайёрлашда Андижон, Бухоро, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари алоҳида фаоллик кўрсатишди. Яқин кунларда улар қаторига Тошкент ва Наманган вилоятлари ҳам қўшилади.

Ғалла тайёрлашда энг яхши натижаларга эришган Шаҳрихон, Бешариқ, Юқоричирчиқ, Денов, Учқўрғон, Шофиркон ва бошқа туманларни алоҳида тилга олиб, уларнинг меҳнат аҳлиға ташаккур айтмоқчиман.

Республикамизда капитал маблағларнинг ҳажми 4,4 фоизга кўпайди, уларнинг 60 фоиздан зиёди ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилди. Буларнинг барчаси республикада иқтисодиётнинг келгуси юксалиши учун мустаҳкам моддий, молиявий ва институционал база-асос яратилганидан, инвестициялаш жараёни фаоллашганидан далолатдир.

Навбатдаги муҳим хулоса шундан иборатки, ижтимоий соҳада ҳам, аҳолининг турмуш шароити ва даражасида ҳам ўзгариш юз берди.

1996 йил, бу — кенг қамровли ижтимоий дастурни амалга оширишнинг, уй-жой, қишлоқ мактаблари ва тиббиёт пунктлари, маиший объектлар, телефонлаштириш ва телекоммуникациялар қурилиши ўз ичига қамраб олган кенг ижтимоий дастурни амалга оширишда биринчи йил бўлди.

Бугун биз халқимизнинг чекига тушган ва ўтиш даври учун муқаррар бўлган энг оғир синовлар ортда қолди, деб бемалол айта оламиз.

Бугун аҳолининг фаровон яшашига салбий таъсир этувчи омиллар йўқ, аксинча, аҳоли турмуш даражасини ўстириш учун тегишли шароит ва ишончли кафолатлар яратувчи барқарорлик омиллари кучга кирмоқда.

Аҳолини аниқ ва адресли ижтимоий ҳимоя қилиш учун жорий этилган тизим ўзини тўлиқ оқлади. Шунинг натижаси ўлароқ, ўтган йилга нисбатан аҳолининг реал даромадлари 16 фоизга ошди ва шу йилнинг охиригача янада ошиши муқаррар.

Аҳолининг 1991 йилдан кейин қадрини йўқотган омонатларини индексация қилиш ғоят муҳим аҳамиятга молик бир тадбир. Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотларнинг адолатли ва ҳаётий эканини тасдиқловчи бир воқеа бўлди, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Ижтимоий адолат тикланди — 3 миллиондан ортиқ омонат эгаларига уларнинг 1992 йилнинг 1 январига қадар қўйган ва умумий миқдори 35 миллиард сўмга тенг бўлган омонатлари индексация қилинди. Шу йилнинг 24 июлига қадар махсус «Индексация» деб аталувчи ҳисоблардан аҳолига 1 миллиард сўм тўланди ва 20 миллион сўм бошқа омонат шаклларига қайтадан расмийлаштирилди.

Ҳурматли дўстлар!

Мен республикамизнинг жорий йилнинг ўтган ярмидаги иқтисодий ва ижтимоий ривожи натижаларига тегишли айрим муҳим омилларни тилга олдим, холос.

Улар ўзларининг миқёси ва қамрови билан, Ўзбекистоннинг ислоҳотлар ва янгиланиш йўлидаги изчил тараққиётига хос барқарор ва мустаҳкам ижобий тенденциялардан-оқимлардан далолат беради. Энг муҳими эса, улар ўтказилаётган ислоҳотлар иқтисоднинг буткул тарзига ва бизнинг ҳаётимизга кўрсатаётган ва бугун барчамиз яққол сезиб турган таъсири ва натижалари, деб айтсак хато бўлмайди.

Албатта, биз биламизки, булар барчаси - дастлабки ниҳоллар, дастлабки ютуқлардир. Худди шу сабабли ҳам, 1996 йилнинг биринчи ярмига якун ясар эканмиз, энг асосий омилларни ва эришилган ютуқларнинг манбаларини аниқлаб олиш биз учун ғоят муҳимдир.

Биринчидан, бу - танлаб олинган иқтисодий ислоҳотлар йўлининг тўғрилиги натижасидир. Бугун, биз танлаган модель амалда, амалиётда синовдан ўтганидан кейин, Ўзбекистоннинг ислоҳотлар модели тўғрилиги ҳақида баралла гапириш учун барча асосимиз бор. Бугунги кунда ўзбек модели обрўли халқаро ташкилотлар томонидан, дунёдаги кўпчилик мамлакатлар томонидан эътироф этилди. Муҳими - ўзбек модели тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади.

Бизнинг моделимизнинг қайси муҳим жиҳатлари ва хислатлари хусусида гап кетмоқда?

Дастлаб шуни айтиш керакки, биз ўзимизнинг ислоҳотлар йўлимизни босқичма-босқич - ўз имкониятларимизни аниқ мақсад сари қаратиб, имконият ва мақсадни ўзаро тошу тарози қилиб, барча ресурсларимизни айни босқич учун устивор бўлган вазифаларни бажаришга сафарбар этган ҳолда ҳаётга тадбиқ этмоқдамиз. Бу ҳолат, бир тарафдан, чекланган ресурслардан, уларни ҳуда-беҳуда исроф этмасдан, самарали ва оқилона фойдаланиш имконини беради. Иккинчи тарафдан эса, ўз фаолиятимизнинг, ўз меҳнатимизнинг натижаларини яққол сезиш, ўз қудратимиз ва салоҳиятимизга янада кўпроқ ишониш имконини беради.

Албатта, бизнинг моделимизда кучли ижтимоий сиёсат, унинг аҳамияти ҳақида гапирмасак бўлмайди.

Кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим роли шундаки, у халқимизга ислоҳот шунчаки ислоҳот учун эмас, балки аввалambor халқ манфаатлари учун ўтказилмоқда, деган ишонч бахш этади.

Биз осон йўлни қидирмадик. Шу ўринда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг кўпчилик мамлакатлари энг осон йўлдан кетганларини эслатиб ўтиш жоиздир.

Маҳсулот экспортидан тушган барча ресурслар ва хориждан олинган кредитлар, энг аввало, турли импорт молларига, улар билан ички бозорни тўлдиришга сарф этилди ва шу тариқа, ўзлари билган ва билмаган ҳолда, мамлакатнинг ўзида товар ишлаб чиқарувчиларни бозордан четга чиқариб қўйдилар. Пировард оқибат шу бўлдики, улар саноат ва қишлоқ хўжалиги, туб маънода эса, буткул миллий иқтисодиёт заифлашган, аксар ҳолларда бутунлай таназзулга, парокандаликка учраган ҳолда, жуда катта валюта маблағларини бирпасда еб қўйдилар.

Биз эса, энг оғир йўлни танладик. Ўз маблағларимиз ва бошқалардан олган қарз маблағларининг асосий қисми инвестициялаш учун, ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ўстириш учун ажратилди. Яъни, истеъмол қилишни эмас, балки инвестицияларни, ўзбекчасига айтадиган бўлсак, сармоя ётқизишни кўпайтирдик. Бугун ўша сармоялар ўз меваларини бермоқда.

Асака шаҳрида қурилган автомобиль заводи ҳам худди шундай мевадир. Бухорода қурилаётган улкан нефтни қайта ишлаш заводи ҳам шу сирага киради.

Кўкдумалоқ нефть конини изга солиш, Қувасой шаҳрида янги турли ойна шишаси тайёрловчи завод, Андижон, Қўқон ва Янгийўлдаги спирт заводлари, Хоразм вилоятида қурилаётган шакар заводи, Қорақалпоғистондаги сода заводи, Чирчиқдаги ҳароратга чидамли металлар заводини, Олмалиқ кон-металлургия заводини реконструкция қилиш, Навоий кон-металлургия заводининг 2-гидрометаллургия заводини ишга тушириш, янги темир йўллар, автомобиль йўллари, ободончилик ишлари — буларнинг барчаси биз танлаган машаққатли йўлда қурилган ва насиб этса, эртанги кунда барча оғиримизни енгил қиладиган бунёдкорлик намуналаридир. Тўқимачилик саноатида, енгил саноатда янгидан қурилган ёки модернизация қилинган ва бугунги кунда маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналарни ҳар бир вилоятда, ҳар бир туманда, ҳар бир аҳоли яшайдиган жойда учратиш мумкин.

Биз ўз ислоҳотларимиз учун мустаҳкам қонунчилик базасини, хорижий сармоядорлар учун кучли кафолат ва имтиёзлар тизимини яратдик. Биз бевосита кредитларни давлат учун эмас, балки бугун муваффақиятли амалга оширилаётган аниқ ва муайян лойиҳалар учун олдик.

Биз асосий эътиборни қўшма корхоналарни тузишга қаратдик. Аввал бошдан қайсиқи корхонанинг хорижий шериги бўлмаса, ўша корхонанинг келажаги йўқ, деган масала қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимизда хорижий сармоялар иштирокида тузилган 2400 корхона рўйхатдан ўтган.

Иккинчидан, бизнинг ютуқларимиз - одамларимизнинг фидокорона меҳнати натижасидир. Ватандошларимиз ислоҳотлар йўлига ишондилар ва бу йўл рўёбга чиқиши учун ҳаракат қилдилар.

Бугун мен, мана шу юксак минбардан туриб, халқимизга қилган меҳнатлари учун, тоғдай бардоши учун, қийинчиликлар вақтинчалик эканини тушунгани учун, мустақиллигимиз ва тикланиш йилларида қилиб улгурган ишларимизни қўллаб-қувватлагани учун самимий миннатдорлик билдирмоқчиман. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик учун, Ўзбекистоннинг буюк келажаги ва фарзандларимизнинг келажаги ва камолоти учун қилаётган меҳнати учун халқимизга таъзим бажо келтиришга ижозат бергайсиз.

Учинчидан, давлат қурилиши жараёнида, демократик жамиятни шакллантириш жараёнида давлат, жамоат ва давлатга тобе бўлмаган ташкилотларнинг тўлақонли тизими яратилди, замонавий банк ва молия тизимлари барпо этилди, кенг тармоқли бозор инфраструктураси бунёд қилинди. Энг муҳими, бу тузилмалар амалда ишлай бошлади.

Тўртинчидан, одамларимиз янги шароитларда ишлаш тажрибасига эга бўла бошладилар. Кўпчилик раҳбарлар ва оддий ходимларнинг табиати, психологияси ўзгарди. Бугун дадил айтиш мумкинки, республика, вилоят ва ишлаб чиқариш даражасида ислоҳотчилар командаси, эътиқоди бир, маслакдош кишилар командаси шакллана бошлади. Бир йўналишда, ҳамжиҳат бўлиб, умумий мақсад дастурига амал қилган ҳолда ишлайдиган кишилар командаси пайдо бўлди. Бу инсонлар учун давлат манфаатлари, иш манфаатлари, халқ манфаатлари ҳамма нарсадан ҳам устунроқдир.

Мен бу юксак минбардан сизга, барча команда аъзоларига миннатдорчилик билдиришни истардим. Ишончим комилки, бу команда бошлаган ишларимизни охирига етказиши муқаррар.

Ҳурматли дўстлар!

Ватандошлар!

Якунлар ҳақида, эришилган ютуқлар ҳақида гапирар эканмиз, биз ҳаммамиз яхши биламизки, энди бу марралар —ўзимизники, уларни биздан ҳеч ким тортиб ололмайди.

Аммо, бу якунларни муҳокама этар эканмиз, оқсоқликларга, ўз ечимини кутаётган муаммоларга алоҳида эътиборни қаратиш, айниқса муҳимдир. Биз учун бошқаришнинг барча бўғинлари, шу жумладан, қонун чиқарувчиларимиз ва ижроия тузилмаларининг диққат марказида туриши лозим бўлган биринчи даражали вазифаларни белгилаб олиш фавқулодда аҳамият касб этади.

Албатта, камчилик ва нуқсонлар хусусида, муаммо ва жиддий тўсиқлар хусусида кўп гапириш мумкин. Лекин ислоҳотларнинг бугунги босқичида олға силжишимизнинг асосий гарови бўлмиш вазифаларга диққатни жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Олға силжишимизнинг бош шарти, бу — хусусийлаштиришни кенгайтириш, мулк шаклларини тубдан ўзгартириш ва бозор инфраструктурасини шакллантириш билан боғлиқ ислоҳотларни янада чуқурлаштиришдир. Хусусийлаштириш масаласида расмиятчиликдан, юзаки ёндошувлардан, тўрачиликдан воз кечиш ва уларга бутунлай барҳам беришдир.

Таъбир жоиз бўлса, хусусийлаштириш шунчаки номига эмас, балки мулк ўзининг асл соҳибини, хўжайинини топиши учун амалга оширилиши керак. Мулк ишга билими ва қурби етадиган, ташкилотчилик ва бошқарувнинг 'замонавий талабларини яхши англайдиган, кишилар манфаати ва бутун жамиятимиз манфаатлари учун янги сармояларни жалб этишга ва ишлаб чиқаришни юксалтиришга, рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қодир инсонлар қўлига тегиши зарур.

Шу маънода бугунги кунда мулк эгалари ва тадбиркорларнинг хусусийлаштиришдан кейинги даврда ҳам қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади.

Уларга нафақат имтиёзли кредитлар ажратиш, балки энг муҳими, уларнинг замонавий ускуналар ва технологияларни олиш ва ўрнатишига доир масалаларни ҳал этиш, уларга хомашё ва материаллар олиш имконини таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини сотишда амалий ёрдам кўрсатиш даркор.

Янги мулк эгалари, тадбиркорлар билан ишлаш, уларнинг савияси ва билимларини ошириш, улардан ҳақиқий бизнесменларни тарбиялаб етиштириш ғоят муҳимдир. Бу масалалар Ҳукуматимизнинг, Давлат мулк қўмитасининг, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг, маҳаллий ҳокимлар ва барча давлат идоралари ҳамда давлатга қарашли бўлмаган идораларнинг диққат марказида турмоғи лозим.

Бозор инфраструктураси ва таркибий-ташкилий ўзгаришлар хусусида сўз юритар эканмиз, уларнинг мазмуни, характери ва шакли бугунги кун талабларига муносиб эмаслигини қайд этиш керак. Бир қарашда барча тузилмалар яратилгандай туюлади, лекин афсуски, уларнинг иш услуби ва иш натижалари амалда ўзгаргани йўқ.

Энг муҳими шуки, бозор тузилмаларини шакллантириш биз учун шунчаки мақсад эмас. Улар шунчаки номига, рўй бераётган ўзгаришларни намойиш этиш, кўз-кўз қилиш учун тузилмайди, балки иқтисодиётга, хўжалик юритувчи субъектларга, ҳам ҳуқуқий ва ҳам жисмоний шахсларга хизмат қилиш учун тузилади.

Янги барпо этилган тузилмаларнинг туб мазмуни, уларнинг даромадлари ва келажаги хўжалик субъектлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш билан бевосита боғлиқ бўлиши шарт.

Шуни яхшилаб англаб олиш зарур: бугунги кунда банкларга, молия тизимларига, турли суғурта ва аудиторлик хизматларига, Давлат мулк қўмитаси бўлинмаларига берилган қатор имтиёзлар — уларнинг оёққа туриш даврига мўлжалланган вақтинчалик чора-тадбирлар, холос.

Улар шу нарсани тушуниши, англаши ва бугуннинг ўзидаёқ тўлиқ ўз-ўзини қоплашга, ўзларини боқиш учун, мижозлар сонини кўпайтириш эвазига ва иш натижаларига кўра фойда олишни таъминлашга, хуллас, ўз нонларини ўзлари топиб ейишга тайёр бўлишлари зарур. Бошқача айтадиган бўлсак, оёққа туриш, тикланиш давридан фаол ва аниқ мақсадга қаратилган ишга ўтиш фурсати етди.

Иккинчи жуда муҳим вазифа— халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш. Халқ истеъмоли молларини, биринчи навбатда, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни барпо этишга, ишлаб турган корхоналарни қайта жиҳозлашга, халқимиз учун чиқарилаётган молларнинг сифатини оширишга нимаики хизмат қилса, ўшанга биз туртки беришимиз, кўмак беришимиз зарур. Биз бу йўналишни, бу соҳани ҳуқуқий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам, моддий жиҳатдан ҳам рағбатлантиришимиз, қўллаб-қувватлашимиз лозим.

Бугун республикада ҳар бир жон бошига 2600 сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 4,3 фоиз кўпдир. Аммо, айрим вилоятларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш даражаси анча паст. Масалан, жон бошига ишлаб чиқарилган мол қиймати Жиззах вилоятида 740 сўмни, Қашқадарё вилоятида 1082 сўмни, Сурхондарё вилоятида 1235 сўмни, Сирдарё вилоятида 1449 сўмни, Навоий вилоятида 1697 сўмни, Қорақалпоғистон Республикасида 1529 сўмни ташкил этади. Шунинг учун ҳам айнан мана шу вилоятларда пулнинг эмиссия даражаси ғоят юқори эканидан ажабланмаса ҳам бўлади. Бу ҳам камлик қилгандай, Қорақалпоғистон Республикасида, Навоий ва Сирдарё вилоятларида аҳоли жон бошига халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан пасайиб кетди.

Хорижий сармоялар иштирокида тузилган қўшма корхоналар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга етарли ҳисса қўшмаяпти. Уларнинг умумий ҳажмдаги улуши атиги 2,4 фоизни ташкил этади. Хусусий тадбиркорларнинг ҳиссаси бундан ҳам камроқ — бор-йўғи 0,2 фоизни ташкил қилади.

Талабга жавоб берадиган ва харидори кўп бўлган кенг халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетганини оқлаб бўлмайди. Шундай мисоллардан айримларини айтиб ўтмоқчиман: илгари 32 хил макарон ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда атиги 5-6 хили қолди. Илгари ишлаб чиқариладиган деярли барча крупа турларидан эса, фақат гуруч, буғдой ёрмаси ва манна талқони қолди. Қандолат маҳсулотлари, гўшт ва сут маҳсулотлари, пишлоқлар, консервалар ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ассортиментини ишлаб чиқаришда ҳам аҳвол худди шундай. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Хўш, айтинглар: бу ҳолни қандай баҳолаш мумкин?

Аҳвол шундай бўлатуриб, фақатгина 1996 йилнинг биринчи ярмида импорт бўйича ўтган йилдагидан 1,5 марта кўпроқ, яъни 600 миллион долларлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 170 миллион долларлик ноозиқ-овқат маҳсулотлари ташқаридан олиб келтирилган. Шу жумладан, 9,4 миллион долларга макарон, 33,8 миллион долларга печенье ва бошқа турдаги қандолатчилик маҳсулотлари четдан келтирилган.

Шу билан бирга, импорт ўрнини босувчи молларни ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни тузишга, мавжуд қувватларни қайтадан мослаб жиҳозлашга, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга, шу ихтисосдаги кичик, хусусий ва оилавий корхоналарни шакллантиришга етарли даражада аҳамият берилмаяпти.

Улар учун энг яхши имтиёзли шарт-шароит яратиб бериш ҳамда жойларда, ҳар бир аҳоли пунктида эҳтиёж ва талабга қараб, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш зарур.

Биз халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг аҳамиятини пухта билиб олишимиз керак.

Халқ истеъмоли моллари - энг аввало ички истеъмол бозорини тўлдириш демакдир.

Халқ истеъмоли моллари - ўсиб бораётган истеъмол талабларини қондириш ва эмиссияни кескин қисқартириш демакдир.

Халқ истеъмоли моллари - пулнинг қадрсизланишини камайтириш, миллий валютамизнинг барқарорлигини таъминлаш демакдир.

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш - пировард натижада қўшимча иш жойлари демакдир. Бу ишга аёллар меҳнатини ҳам жалб этишни ҳисобга оладиган бўлсак, у алоҳида аҳамият касб этади.

Охир-оқибатда буларнинг барчаси халқимизнинг турмуш даражасини кўтариш демакдир. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Бугунги кунда масала шундай турибди: биз республикага мол олиб келишимиз керак, бироқ ўзимизда ишлаб чиқариш мумкин бўлмаган ёки ишлаб чиқаришдан кўра олиб келиш иқтисодий жиҳатдан фойдалироқ бўлган молларни олиб келишимиз керак. Биз ўзимизда ишлаб чиқаришимиз мумкин бўлган маҳсулотларнинг республикадан ташқарида ишлаб чиқарилишини рағбатлантиришимиз керак эмас. Мен, албатта, бу ўринда ўзимизда сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни назарда тутяпман.

Истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш учун нима қилиш керак?

Биринчидан, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар учун амалдаги имтиёзлар тизимини қайта кўриб чиқиш ва бугунги кунда қандай турдаги рағбатлантириш фойда бериши мумкинлигини аниқлаш лозим. Қонунчилик соҳасидаги барча чеклашларни ҳам олиб ташлаш зарур. Керак бўлса, амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартишларни тайёрлаш лозим. Бу масалага энг қобилиятли, энг истеъдодли кишиларни жалб этиш керак.

Иккинчидан, халқ учун зарур молларни ишлаб чиқаришни ташкил этишга хорижий сармоя, хорижий технологияларни фаол равишда жалб этиш лозим. Қўйган маблағи тезда ўзини оқлаб, фойда келтирадиган бўлса, хорижий сармоядорлар бу ишга жон-жон деб рози бўлади.

Навоий кон-металлургия комбинатининг тажрибаси эътиборга лойиқдир. Бу корхона хорижий шериклар билан ҳамкорликда Зарафшон шаҳрида аралаш иплардан устки трикотаж ишлаб чиқариш бўйича «Агама» қўшма корхонасини барпо этди. Франция ва Япониянинг замонавий ускуналарида аралаш пахта-акрил ипи ҳамда 30 хилдаги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди.

Зарафшон, Учқудуқ, Навоий, Тошкент ва бошқа шаҳарларда 9 та цех барпо этилди, уларда 800 киши ишламоқда. Корхона бу йил 2,6 миллион АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот экспорт қилишни, 1997 йилда бу кўрсаткични 9 миллион АҚШ долларига етказишни режалаштирмоқда.

Бу ташаббус ҳар томонлама эътиборга сазовор.

Учинчидан, истеъмол товарлари, энг аввало, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хусусий корхоналар улушини кескин ошириш лозим. Хусусий секторга кенг йўл очиб бериш керак. Ишбилармонларнинг хомашё ва фонд биржаларида хомашё, материал ва жиҳозларни сотиб олиши учун қулайлик туғдириш жуда ҳам муҳим. Хусусий секторгина талаб ва шароитнинг ўзгаришига мос равишда тезлик билан ўзгара олади.

Хусусийлаштириш сиёсатимизни (В.А.Чжен) тубдан қайта кўриб чиқишимиз лозим. Энг аввало, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган хусусий секторни рағбатлантириш керак. Мулк эгаси ҳеч қачон ўз мулкини ўғирламайди. Буни ҳеч ким инкор қилолмайди.

Тўртинчидан, бу борада яқинда ташкил этилган Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда зарур маблағга эга бўлган Бизнес фонди ўзини кўрсатиши лозим.

Бешинчидан, миллий валютани эркин муомаладаги валютага алмаштираётганда арзон-гаров, сифатсиз мол олиб келадиган тижоратчиларга нисбатан, замонавий технологияларни олиб келувчиларга кўпроқ эътиборни қаратиш лозим. Технология ва ускуналарга эътиборни кучайтириш керак. Улар бизни янги иш ўринлари билан таъминлабгина қолмай, бугунги кунда республикага ташқаридан олиб келинаётган товарларга қараганда сифатлироқ ва кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришимизга имкон ҳам беради.

Ҳукуматимиз (Ў.Султонов) яқин орада шу муаммо билан боғлиқ барча масалаларни кўриб чиқиши ва тегишли қарорлар қабул қилиши зарур.

Навбатдаги муҳим вазифа — экспортни кенгайтиришдан иборат. Ярим йиллик натижаларига кўра, экспорт 1,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этди ҳамда ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга таққослаганда, 4,8 фоиз ошди.

Экспортни кенгайтириш - республикага эркин муомаладаги валютанинг кириб келишини кўпайтириш ҳамда миллий валютани мустаҳкамлаш демакдир. Бу корхоналар эҳтиёжманд бўлган янги технологиялар ҳам демакдир. Бу ижтимоий масалаларни ҳал этиш - иш ҳақини ошириш, ижтимоий инфраструктурани кенгайтириш демакдир. Бу ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб туришни кучли тарзда рағбатлантириш демакдир. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда бирорта корхона валютасиз, эркин муомаладаги валютасиз ўз истиқболини кўролмайди. Барча корхона раҳбарлари буни тушуниб етиши лозим.

Афсуски, бугунги кунда республиканинг экспорт ҳажми асосан хомашё ресурслари ҳисобига таъминланмоқда.

Ҳали ҳам асосий экспортни анъанавий хомашё ресурслари — пахта толаси, рангли ва қора металлар, минерал ўғитлар ва кимёвий маҳсулотлар, мис асосидаги электротехника маҳсулоти ташкил этмоқда. Экспорт тузилмасида озиқ-овқат маҳсулотлари атиги 1,4 фоизни, республикамиз ниҳоятда бой бўлган мева-сабзавотнинг қайта ишланган маҳсулотлари эса 0,4 фоизни ташкил этади. Бу бизнинг энг катта камчилигимиздир. Биз бу борада жуда кўп иш қилишимиз керак.

Бу масалада «Ўзмевасабзавотузумсаноат» (Носиров) уюшмасига жуда кўп марта кўрсатмалар берилган, бироқ ҳанузгача бирон-бир натижа йўқ. Бундан тегишли хулосалар чиқариш лозимга ўхшайди.

Республикада экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш мақсадида зарур ҳуқуқий асос, кенг имтиёзлар тизими барпо этилган.

Шу жумладан, чет эл сармоялари билан ишлаётган корхоналар учун кенг имтиёзлар тизими барпо этилган. Бу имтиёз ва кафолатларнинг барчаси «Хорижий сармоя билан ишлайдиган корхоналар барпо этишни ва уларнинг фаолиятини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги Фармонда ўз аксини топган. Бу уни билиб олиш ва фойдаланиш учун қулайлик туғдиради. Бизнинг вазифамиз бу имтиёзлар тўла амал қилишини таъминлаш, зарур бўлган жойларда эса қўшимча имтиёзларни назарда тутишдан иборат.

Экспортни кенгайтиришга халақит бераётган асосий сабаблар нималардан иборат? Бу энг аввало:

— кўпгина тайёр маҳсулот турларини ишлаб чиқаришнинг алмисоқдан қолган технологияларидир. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг серхаражатлиги, кўп материал ва энергия талаб қилиши билан ажралиб туради. Натижада кўпгина маҳсулотлар таннархининг жаҳондаги шундай маҳсулотлар таннархидан анча юқорилиги уларни рақобатга бардошсиз қилиб қўймоқда;

— нархлар эркин бўлган бир шароитда кўпгина маҳсулотлар ишлаб чиқариш монополиясининг сақланиб қолиши корхоналарга истаганча нарх қўйиш имконини бермоқда Улар бундай шароитда ўз маҳсулотларини ички бозорда сотишдан кўпроқ манфаатдордирлар. Бу борада Молия вазирлиги ҳамда унинг Монополияга қарши кураш қўмитаси анчагина иш қилиши лозим;

— экспорт қилинадиган маҳсулот нархининг қимматлашишига сабаб бўлаётган ҳамда уни иқтисодий жиҳатдан фойдасиз қилиб қўяётган, аксарият қисми тарифлар жуда юқори бўлган Қозоғистон ва Россия орқали олиб келинаётган мавжуд юк ташиш тизими;

— кўпгина корхоналарнинг фаол ташқи иқтисодий сиёсатга эга эмаслиги; бу маркетинг тадқиқотлари ва реклама ишларини жуда заиф равишда ташкил этишда кўзга ташланмоқда;

— экспорт маҳсулотларини кўпайтириш учун яхши имкониятга эга бўлган айрим корхоналарда, зарур айланма маблағлар ва сармоялар йўқлиги;

— экспорт маҳсулотларини сертификациялаш тизимининг йўқлиги. Бу маҳсулотларни дунё нархларида сотишга имкон бермайди.

Бу ва бошқа масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун бош вазир ўринбосарлари — мажмуа раҳбарларига ўн кунлик муҳлат берилади. Таклифлар Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида умумлаштириб, кўриб чиқилсин.

Тўртинчи муҳим масала — хўжалик субъектларидаги шароитларни бундан буён ҳам эркинлаштириш, уларга катта иқтисодий эркинлик беришдан иборат. Бир томондан, корхоналарнинг мустақиллигини юқори даражада кенгайтириш, уларнинг ўз фаолияти натижаси учун масъуллигини ошириш зарур. Бошқа томондан эса, уларни юқори ташкилотлар, турли текширувчи органларнинг аралашувидан қўриқлаш лозим.

Бир вақтлар текширувчи органлар ва уларнинг текширувларини кескин қисқартириш бўйича чора-тадбирлар кўрилган эди. Бироқ шу пайтга қадар кўпчиликнинг «текшир-текшир» билан шуғулланиш, корхоналарнинг хўжалик ишларига аралашиш, ёрдам ўрнига халақит бериш истагига барҳам берилгани йўқ. Мен яқинда бу ишни ўрганиб чиқишга топширик бердим.

Бугунги мавжуд ҳуқуқий-меъёрий база таҳлили шуни кўрсатдики, 29 та давлат органи корхоналарни турли масалалар бўйича текшириш ҳуқуқига эга экан.

3700 корхона ва ташкилот бўйича ўтказилган текширувлар таҳлилидан маълум бўлишича, 1995 йилда ва бу йилнинг биринчи ярмида бу корхона ва ташкилотлар 21 минг марта ёки ўртача ҳисобда олганда, уларнинг ҳар бири турли органлар томонидан 5-6 мартадан текширилган. Солиқ органларидан ташқари энг кўп текширув санитария-эпидемия хизматига (умумий миқдорнинг 17,8 фоизи), банкларга (17,4 фоиз), давлат ёнғин назоратига (11,2 фоиз), маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқармаларга (қарийб 7 фоиз) тўғри келади.

Мисол учун «Электркимёсаноат»* ишлаб чиқариш бирлашмаси 43 марта, жумладан, Энергия назорати томонидан 9 марта, Техника назорати томонидан 7 марта, молия органлари томонидан 5 марта, Давлат ёнғин назорати, санэпидстанция, табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан 4 мартадан, Прокуратура ва Банк томонидан 3 мартадан, шаҳар ҳарбий комиссариати ва солиқ органлари томонидан 2 мартадан текширилган. Текширувлар 300 кундан ортиқ давом этган.

Чирчиқ трансформатор заводи 56 марта, жумладан, Ўзэнергоназорати томонидан 11 марта, Техниказорат томонидан 9 марта, табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан 8 марта, молия органлари томонидан 6 марта, давлат ёнғин назорати ва санэпидстанция томонидан 5 мартадан, прокуратура ва банк органлари томонидан 3 мартадан, солиқ органлари, адлия органлари ва ҳатто иситиш тармоқлари назорати томонидан 2 мартадан текширилган. Каттақўрғон ёғ-мой комбинати турли органлар томонидан 50 марта, «Нарзия» (Самарқанд вилояти) савдо-ишлаб чиқариш фирмаси 30 марта текширилган.

Кўпгина корхоналарда ҳам аҳвол шундай. Бундай шароитда қандай қилиб унумли ишлаш мумкин? Бу вақтни бой бериш, тўғридан-тўғри йўқотишларгина эмас, текширилаётган жамоаларни ёмон аҳволга ҳам солиб қўяди, номақбул руҳий муҳит юзага келишига сабаб бўлади. Охир-оқибатда у интизомни мустаҳкамлашга эмас, аксинча, меҳнат унумдорлиги пасайишига олиб келади, жамоаларнинг қонунчиликка бўлган ишончига раҳна солади ва, энг муҳими, бу текширувларнинг ўзини обрўсизлантиради.

Бу борада қатъий тартиб ўрнатиш, текширувлар даражаси ва сонини ҳамда назорат органларининг ваколатларини чеклаш зарур. Мансабдор шахслар ва давлат органларининг корхоналарнинг ички ишларига асоссиз аралашувини таъқиқлаб қўйиш керак. Аудиторлик хизматларининг ўрни ва масъулиятини ошириш, махсус солиқ судларини барпо этиш масаласини кўриб чиқиш лозим.

Ҳукуматимиз (Ў.Султонов) икки ҳафталик муддат ичида бу ишда тартиб ўрнатиш ва бошқариш вазифаси юкланган махсус Мувофиқлаштирувчи Кенгашни ташкил этиш ҳақида таклиф киритсин. Кенгашга бу бюрократик офатга, текширувларни таъмагирлик ва зўравонлик қилишга айлантириш ҳаракатларига чек қўйиш ваколатини бериш керак.

Бугунги ғоят муҳим вазифа - корхоналар, тадбиркорлик тузилмаларини мансабдорлик-тўрачиликнинг турли шаклларидан муҳофаза қилиш учун маъмурий-бошқарув ишида ишлайдиганлар сонини қисқартиришдан иборат. Юксак малакали ва билимдон мутахассислардан иборат бутунлай янги бошқарув аппаратини барпо этиш, бу мутахассислар учун кучли рағбат ва кафолат тизимини яратиш ҳақида ўйлашимиз зарур.

Аллақачон давлат хизмати ҳақида махсус қонун қабул қилиш зарурати ҳам пайдо бўлган.

Ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг принципиал вазифаси — қимматли қоғозлар бозорини, энг аввало иккиламчи бозорни янада фаолроқ ривожлантириш зарур. Қимматли қоғозлар бозорини барпо этиш ва акционерлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича Марказ ташкил этилган, бироқ ҳанузгача сезиларли натижа кўзга ташлангани йўқ. Ҳа, биз бу узоқ давом этадиган жараён эканини, унга яхши тайёргарлик кўриш, биринчи навбатда раҳбарларнинг ҳам, барча фуқароларнинг ҳам тафаккурини ўзгартириш лозимлигини тушунамиз. Бироқ биз ҳозирнинг ўзидаёқ аҳолининг кенг қатламларида қимматли қоғозларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, фонд бозорларида уларни ишлатиш одатлари ва механизмларини эгаллашга майл уйғотишимиз зарур. Яна бир бор таъкидлаб айтаманки, қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини ташкил этиш энг муҳим масалалардан биридир. Биз уни ривожлантириш учун ташкилий, меъёрий ва институционал шарт-шароитлар яратишимиз зарур.

Навбатдаги муҳим вазифа - солиқларни такомиллаштириш масаласидир. Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси 1997 йилги бюджет лойиҳаси билан яхшилаб танишиб, солиқ олинадиган базани батафсил аниқлаб, уни кенгайтириш имкониятлари бўйича муайян таҳлил ўтказиши, солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича умумий ёндашувларда аниқ йўлни топиб олиши лозим.

Биз солиқларнинг янги турларини жорий этиш ниятида эмасмиз. Солиқ тизими қуйидагилардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилиши даркор:

— солиқларнинг рағбатлантирувчи вазифасини кучайтиришга эришиш мақсадида фойдадан олинадиган солиқнинг ҳар қайси соҳа, ҳар қайси тармоқнинг алоҳида хусусиятларига қараб белгилаш;

— билвосита солиқлар, энг аввало, ресурс тўловларининг аҳамиятини ошириш;

— акциз базасини кенгайтириш;

— солиқ тўловлари турларини камайтириш ва уларни яхлит ҳолга келтириш.

Азиз дўстлар!

Сўзимнинг охирида барча тилга олинган нарсаларга якун ясар эканман, эътиборингизни учинчи чоракда ва йилнинг охиригача олдимизда турган вазифаларга қаратмоқчиман.

Биринчи навбатда кузги-қишки мавсумга пухта ҳозирлик кўриш ҳақида сўз кетмоқда. Энергетика тизимининг, электростанцияларнинг, буғ қозонхоналарининг, газ тармоқларининг техник ҳолатига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Таъмирлаш-тиклаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш зарур. Ушбу мақсадларга эришишда мазкур йўналишда ишлаётган корхоналарнинг барча имкониятлари ва ресурслари ишга солиниши керак.

Бу борада яна бир кечиктириб бўлмайдиган масалага ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Молия вазирлиги ўзаро тўловлар муаммосини ҳал этиши, корхоналарни, биринчи навбатда ёқилғи-энергетика мажмуини айланма маблағлар билан таъминлаши зарур, чунки бу соҳадаги ўзаро тўловлар муаммоси республиканинг умумий молия тизимида бошқа кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ҳисоб-китобларнинг, умуман, ўзини оқлаган вексель тизими бюджет тушумларининг камайиб кетиши ва республикада тўлов интизоми пасайиб кетишига олиб келмаслиги учун зарур чораларни кўриш муҳим аҳамиятга эга.

Қадрли дўстлар!

Барчамиз бир нарсани яхши тушунамиз ва уни қайта-қайта таъкидлаб ўтиришнинг ҳожати ҳам бўлмаса керак. Мен навбатдаги мавсум, қолаверса, жорий йил якунлари ғўзани ўстириш, йиғим-теримга тайёргарлик кўриш ва йиғим техникасини мавсумга тахт қилиб қўйишга бевосита боғлиқ эканини назарда тутяпман. Умид қиламанки, бу ерда ўтирган ҳокимлар, вазирликлар ва муассасалар раҳбарлари ўзининг бу борадаги масъулиятини яхши тушунади.

Сўзимни тугатар эканман, барчангизга, энг аввало, раҳбарларга Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллик юбилейига бир ойдан ошиқроқ вақт қолганини эслатиб қўймоқчиман. Яна икки ойдан сўнг буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари таваллудининг 660 йиллигини нишонлаймиз.

Ишончим комилки, халқимиз ва давлатимиз ҳаётидаги бу тарихий саналар, Ўзбекистонда яшаётган ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди.

Барчангизга эл-юртимиз фаровонлиги учун, обод бўлишига қилаётган меҳнатингиз учун миннатдорчилик билдириб, ишларингизга равнақ ва омад тилайман.

Ғалла мустақиллиги учун

ВИЛОЯТИМИЗ ДЕҲҚОНЛАРИ ДАВЛАТГА 214 МИНГ ТОННА ҒАЛЛА ЕТКАЗИБ БЕРДИЛАР

Шу йил бошида Республика Вазирлар Маҳкамасида ғалла ва пахта етиштиришга боғлиқ бўлган масалаларга бағишланган йиғилишда Ўзбекистон Президенти И. Каримов ғалла мустақиллигимизнинг асосий мезонларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади. Чиндан ҳам ғалла мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ривожида алоҳида ўрин тутади. Вилоятимиз деҳқонлари гарчи ғаллачилик ўзлари учун ҳали янги соҳа бўлса ҳам юқори қисқа вақт ичида уни тўла ўзлаштириб олишга эришдилар.

Мавжуд майдонлардан самарали фойдаланилаётгани, ғалла режалаштирилган ерларга тўлиқ экилгани, ҳосилдорликни ошириш учун барча имкониятлар тўла ишга солинаётгани сабабли мўл ҳосил олинмоқда. Бу йил 129,6 минг гектар ерда шу жумладан, 106,5 минг гектар сувли ерларда дон етиштирилди. Ғаллазорлар ўтган йилдагига нисбатан12,7 минг гектарга кенгайди. Айниқса, сифатли ҳайдалган, етарли миқдорда минерал ва маҳаллий ўғитлар солинган майдонларга агротехника муддатларида уруғ экқан, униб чиққан майсаларни кузда ва баҳорда қондириб суғоришга, озиқлантиришга эришган хўжаликларда ҳосил кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Хусусан, Паркент туманидаги «Бўстон» ширкатлар уюшмаси, «Бойқозон», «Гулбаҳор» халқ корпорациялари, Қуйичирчиқ туманидаги «Гулистон», «Тошовул», «Ўжакент», «Ўзбекистон», Ўртачирчиқ туманидаги «Роваток», Навоий номли, «Истиқбол», «Ҳақиқат» жамоа хўжаликлари, Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» корпорацияси, «Политотдел» акционерлик жамияти ва бошқа шу каби ўнлаб хўжаликларда 40-45 центнердан ва ундан ҳам ошириб ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар.

Далалардаги ҳосилни вақтида ўриб- янчиб олишга пухта ҳозирлик кўрилгани, мавжуд барча куч ва имкониятлар ғаллакорларнинг унумли меҳнат қилишлари учун қаратилгани ҳам ўрим-йиғим мавсумини қисқа муддатларда ўтказиш ва бор ғаллани саранжомлаб олиш имконини берди. Ҳар бир комбайнни икки нафардан механизаторлар навбати билан бошқардилар. Янчилган донни даладан омборларга ташиб бериш учун ажратилган ва шу ишга махсус мослаштирилган транспорт воситалари ўрим-йиғим конвейерининг узлуксиз ишлашини таъминладилар. «Вилоятюктранс» концерни ғалла ташиш учун ажратилган тиркамали 530 та катта ҳажмли автомошиналар барча туманларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Ҳар бир туманда, шунингдек, барча хўжаликларда бош муҳандис раҳбарлигида етарли миқдорда эҳтиёт қисмларга эга бўлган кўчма устахоналар ташкил этилиб, улар комбайнлар ва транспорт воситаларининг бетўхтов ишлашини таъминладилар. Техника учун ёнилғи-мойлаш материаллари ғамлаб қўйилгани ҳам асосий омиллардан бири бўлди. Кун қизиғида ғалла ўрими ва ташиш билан банд бўлган механизатор ва ҳайдовчиларга ҳар томонлама маиший шароитлар яратиб берилди. Уларнинг меҳнатига адолат билан ҳақ тўлаш, илғорларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг тўғри йўлга қўйилгани ҳам ғаллазорларда ишни тез суръатлар билан олиб боришга ўз таъсирини кўрсатди.

Вилоят бўйича ғалла ўрган 609 та «Нива» ва «Енисей» комбайнларининг ҳар бири билан кунига 6-7 гектардаги ғалла ўриб-янчиб олинди. Мавсум арафасида АҚШдан синов тариқасида олиб келинган 28 та «Кейс» комбайнлари ҳақиқатан ҳам мўъжиза яратдилар. Уларнинг ҳар бири билан ўртача 20-25 гектар ва ҳатто зарур шароитлар яратилган далаларда 30-35 гектардаги ғалла саранжомлаб олинди.

Ғалла ўрими, янчиш ва ташишнинг ташкилий жиҳатдан тўғри йўлга қўйилганлигининг натижаси қуйончли бўлди, албатта. Вилоят бўйича давлат ғалла буюртмаси 25 июлда адо этилди. Омборларга 214 минг тонна дон топшириб, режа бир ойда муваффақиятли бажарилди.

Бу катта ютуқларда Пискент, Ўртачирчиқ, Қибрай, Оққўрғон, Қуйичирчиқ, Юқоричирчиқ, Бекобод, Бўка, Янгийўл ва Паркент туманлари ғаллакорларининг ҳиссалари айниқса катта бўлди. Мавсум кўпчилик ғаллакорларнинг, айниқса, республика Президенти таъкидлаганидек, қишлоқ хўжалигида мулк эгаси бўлган, ўзида ҳақиқий хўжайинлик ҳиссини сингдира олган деҳқон-фермер хўжаликларининг шу соҳа ҳадисини олганлигини, мўл ҳосил тўплашда ўзига хос тажриба мактаби яратаётганлигини кўрсатди.

Йилдан йилнинг фарқи бор, дейди доно халқимиз. Етиштирилган маҳсулотни харид қилишда ўтган йилларда йўл қўйилган айрим нуқсонларга барҳам бериб, ҳозирги кун талаблари даражасида ташкил этилаётгани, бу иш контрактация-шартномалар асосида амалга оширилаётгани, хўжаликларга эркинлик берилгани, деҳқонларнинг манфаатдорлигини ошириш доимий диққат-эътиборга олинганлиги ғаллакорларнинг масъулият ҳиссини янада кучайтирди. «Ғаллабанк» белгиланган муддатда давлатга топшириладиган жами ҳосил кийматининг 25 фоизи миқдорида бўнак пули бергани ҳам хўжаликлар рўзғори учун сезиларли мадад бўлди. Айниқса Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан давлат буюртмаси ғалланинг 50 фоизи миқдорида белгиланиб, қолган ҳосилнинг хўжаликлар тасарруфида қолдирилиши, шунингдек, давлат буюртмаси бўйича харид нархи жаҳон бозоридаги ўртача нархнинг 60-65 фоизи миқдорида белгиланган, буюртмадан ортиқча ҳосилни сотиш учун икки томонлама мақбул асосда контрактация — шартномалар тузиш йўлга қўйилгани ҳам деҳқонлар манфаатдорлигига янги асослар яратди.

Ғаллачиликда ютуқлар кўп. Аммо ўрим-йиғим мавсуми ишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлигини ҳам кўрсатди. Ана шу хато ва нуқсонлар сабабли Тошкент, Чиноз, Зангиота, Бўстонлиқ туманларидаги хўжаликларда ҳосилнинг салмоғи кам бўлди, давлат буюртмаси бажарилмаяпти. Бунга асосан кишилар ғалла сепилса бўлди, ўзи униб, ўзи етилаверади, деган ақидадан ҳали-ҳамон қутулиб ололмаётганлиги, ғалланинг суви, ўғити, парвариши ўз ҳолига ташлаб қўйилгани сабаб бўляпти. Бундай муносабатнинг даври ўтди, албатта. Бозор иқтисодиёти, ҳозирги шароит янгича ишлашни, соҳадаги барча юмушларни шу куннинг талабларидан келиб чиқиб ташкил этишни, қилинган харажатларга яраша кўпроқ ҳосил олишни тақозо қилади. Қишлоқда ислоҳотларни амалга оширишдаги устивор вазифалардан бири ана шудир.

Ғалла ўрим-йиғими барча хўжаликларда жадал давом этяпти. Ғаллакорлар етиштирилган ҳосилнинг охирги бошоғигача қолдирмай саранжомлаб олиш учун ишни сусайтирмаган ҳолда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланмоқдалар. Шу билан бирга ғалла ва сомондан бўшаган майдонлар зудлик билан такрорий экинлар учун тайёрланиб, уруғ пешма-пеш экиляпти. Вилоят бўйича 46 минг гектар майдонга дон ва силос учун маккажўхори, сабзавот, картошка экилади. Хўжаликларда шу кунгача 14 минг гектар ерга кечки экинлар жойлаштириб бўлинди. Айни пайтда уруғ униб чиққан майдонларда дастлабки парваришга ҳам киришилди.

Ғалла—элимизнинг ризқ-рўзи, қут-баракаси. Унинг мамлакат иқтисодиётидаги, сиёсатидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Ғалла мустақиллиги асосий муддаомиз. Шунга яраша масъулиятни чуқур ҳис этиб ишлаб, далада қолган ҳосилни ҳам несибуд қилмай ўриб-янчиб, саранжомлаб олишимиз зарур. Зеро, бободеҳқонларимиз даладагиси эмас, омборларга тушгани ҳисоб, деганларидай бор ҳосилни омборга тўкиб, деҳқоннинг кўнгли тўқ бўлганига нима етсин.

Турсунбой КОМИЛОВ,
вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси раисининг биринчи муовини.

МЕҲНАТИМИЗ МАҲСУЛИ

ЖОННИНГ РОҲАТИ ЭКАН

ҒАЛЛА ўрим-йиғим тақдирини том маънода механизаторлар ҳал этди. Туманимиз бўйича шу кунгача 27 минг тоннадан кўпроқ дон янчилиб, шундан 23,4 минг тоннаси давлатга топширилди. Жами ҳосил комбайнларнинг бункерларидан тўкилди, деб фахр билан айта оламан. Мавсумнинг дастлабки кунларидан далаларда 30 та комбайн ишлади. Ҳал қилувчи дамларда АҚШда ишлаб чиқарилган тўртта «Кейс» комбайни битта бригада қилиб, аввал «Роваток» сўнгра Алишер Навоий номли, «Истиқбол», «Ҳақиқат» жамоа хўжаликларига ёрдам учун юборилди. Уларнинг иккитасини ака-ука Элдор ва Фарид Галиевлар бошқаришган бўлишса, мен ҳам ана шу тажрибали механизаторлар қаторида туриб, «Кейс»лардан бирида ғалла ўриб-янчдим.

«Кейс» ҳақиқатдан ҳам биз орзу қилган серунум комбайн экан. Ёнилғи сарфидан ишчи қисмларигача, барча юмушларни компьютер бошқаради. Қўйингчи, бу янги машина тежамкорлиги билан ҳам ажралиб турар экан, бирор дона бошоқ ёки буғдойни ерга тўкмай, асраб-авайлаб янчиб берди. «Кейс»нинг яна бир ажойиб жиҳатини қуйидаги мисолдан кўриш мумкин. Оддий комбайнларнинг ҳар бири билан кунига 6-7 гектар майдондаги ғалла ўрилса, бу машиналарда эса кунига 60 гектардан ошириб дон саранжомлаб олинди.

Яқинда сарҳисоб қилиб чиқдим. Бир ўзим мавсум бошидан бери 200 гектар майдондаги ғаллани ўриб-янчиб бердим. Элдор ва Фарид Галиевларнинг ҳам иш унуми ана шундай бўлди. Шуларни эътиборга олиб, мен туманимиз хўжаликларига агар янги техника сотиб олмоқчи бўлсалар «Кейс» сингари серунум қишлоқ хўжалик машиналарини харид қилишларини маслаҳат бераман. Чунки, бундай техника ҳосилни қисқа муддатларда ўриб-йиғиб беришгина қолмай, тез орада сарфланган харажатни ҳам иш унуми билан қоплайди.

Жамол ҚУРБОНОВ,
Ўртачирчиқ туманидаги «Роваток» жамоа хўжалиги комбайнчиси.

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ ЕРДА

ХАЛҚИМИЗ ғаллакор меҳнатини азал-азалдан қадрлаб келган. Негаки у дон сочиб, элнинг ризқ эшигини очади. Ота-боболаримиз билан деҳқон ўтганмиз, пахта ва ғаллачилик билан шуғулланганмиз. Мустақиллик шарофати билан ер ва сувлик бўлдик. Ижарага олган 36 гектар майдонга ўтган йилнинг октябрь ойининг ўрталарида эртапишар «Серхосил» навини экдик... Бу нав қишнинг совуғига ғоят чидамлилиги, дони қаттиқ, «қайроқилиги» билан ажралиб туради. Уни суғоришдан олдин гектарига 80-90 килограммдан фосфор ва 50 килограммдан калийли ўғитлар солдик. Эрта баҳорда эса 45-60 килограммдан азотли ўғит бериб, кўндалангига борона юритдик ва қондириб суғордик. Бу эса ён тупларнинг кўпайишига, пировардида 10-12 сантиметрли бошоқлар чиқариб, донларининг бўлиқ бўлишига сабаб бўлди.

Эрта экқан эрта ўради, деган гап бор халқимизда. Ҳосил эрта етилгани сабабли ўримга ҳам барвақт киришдик. Хўжаликка иккита «Кейс» комбайнлари келтирилганди. Улардан бири ишни бизнинг ғаллазорларимизда бошлади. Механизатор Д. Очилов икки кунда бор ғаллани ўриб-янчиб бўлди. Гектардан 45 центнердан хирмон кўтардик. Кўшни ижарачи деҳқонлар Элхўжа Исроилов, Дилшод Хасанов, Акбар Раҳмонов, Жўра Қосимовлар ҳам ҳар гектар ердан 40-50 центнердан ҳосил олдилар. Жамоа хўжалигимиз эса 500 гектар майдондан 767 тонна дон топшириб, режани муддатидан илгари бажарди. Жами 1480 тонна ҳосил олинди.

Деҳқоннинг ризқи ерда. У ҳеч қачон ернинг умрини бекор ўтказмайди. Зеро ёзнинг иссиқ ва ёруғ кунлари кўплиги бир йилда бир ердан икки марта ва ҳатто ундан ҳам ошириб ҳосил олиш имконини беради. Биз ҳам шунга амал қиляпмиз. Ғалладан бўшаган ерларни зудлик билан ҳайдаб, картошка, сабзавот, мош ва бошқа такрорий экинларни экиб олдик. Уруғ текис униб чиқди. Парваришни ҳам вақтида олиб боряпмиз. Негаки ҳаракатда барака, деганларидек ҳозирги ғанимат кунлардан унумли фойдаланиб, қанчалик кўп меҳнат қилсак, рўзғоримизга ҳам шунчалик барака кираверади.

Тўлқин МАВЛОНОВ,
Пискент туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ижарачиси.

ЁНМА-ЁН ТУРИБ

Вилоятимизда ғалла ўрим-йиғими бошланибдики, концернимизга қарашли 530 та автомашиналар ғаллакорларга хизмат кўрсатиб, ҳар куни дон қабул қилиш пунктларига 4-4,5 минг тонна ғалла ташиб бермоқдалар. Ҳайдовчиларимиз ғоят тиғиз график бўйича ишламоқдалар. Улар кўпроқ дон ташиш мақсадида автомашиналарига тиркамалар улаб олишган.

«Ташвилоятюктранс концерни» ва унинг қуйи бўғинлари ўрим-йиғим мавсумига пухта тайёргарлик кўрдилар. Барча юк автомашиналари учқун ва ўт ўчиргичлар, ёпқичлар билан тўла таъминланди. Автохўжаликларда уларнинг техник жиҳатдан қандай тайёрланганлиги синчковлик билан текширилди. Жойларга ташкилий ва техникавий ёрдам кўрсатиш учун тажрибали мутахассислар сафарбар қилинди, эҳтиёт қисмлар билан таъминланган кўчма таъмирлаш устахоналари ташкил этилди. Булар эса ўз навбатида ҳайдовчиларнинг қўйилган вазифани ҳамиша муваффақиятли адо этишларига имконият яратмоқда.

Айниқса Қуйичирчиқ тумани ғаллакорлари Чирчиқ шаҳридаги 2-ижара автокорхонаси жамоаси ёрдамидан хурсанд. Уларнинг кўмаги билан туман хўжаликлари даврлатга ғалла топшириш режасини муддатидан илгари бажаришга эришдилар. Янгийўлдаги 2503 автожамланмасининг 60 та юк машиналарини бошқараётган ҳайдовчилар ҳам ғаллакорларнинг мушкулини осон қилмоқдалар. Юқоричирчиқ туманида ҳам Чирчиқдаги 2-автокорхона ва Олмалиқдаги 80-автобаза ҳайдовчилари янчилган ғалланы пешма-пеш ташиб бормоқдалар.

Бу йилги мавсум концерн мутахассисларидан ғоят мураккаб вазифаларни изчилик билан ҳал этишни талаб қилди. Негаки, ўтган йили ва ундан илгари ўрим-йиғим мавсумида фақат 300 та юк машиналари кифоя қилганди. Бу йилги шароит эса бошқача. Чунки экин майдонлари бултургига қараганда кенгайган, мўл ҳосил етиштирилган, ўрим техникаси сони кўпайган, бундан ташқари замонавий, юксак унум билан ишлайдиган «Кейс» комбайнларидан фойдаланилаётган бир пайтда кўпроқ юк ташиш машиналарини ажратиш лозим бўлиб қолди. Автохўжаликлар бунинг уддасидан чиқдилар. Ҳайдовчилар эса кунларни тунларга улаб хормай-толмай меҳнат қилдилар. Янгийўлдаги 2503 автожамланмасидан С. Олимов, М. Суюнов, Х. Назаров, Чирчиқдаги иккинчи автокорхонадан М. Миртурсинов, Т. Аблякимов каби ҳайдовчиларнинг ҳар бири мўлжалдагидан анча ошириб ғалла ташидилар.

Вилоятда ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этяпти. Янчилган донни қабул пунктларига етказиб беришда эса концернимиз ҳайдовчилари аввалгидек фаол иштирок этмоқдалар. Улар ғаллакорларнинг ўрим-йиғим мавсумини тезроқ тугаллашлари ва етиштирилган барча ҳосилни нес-нобуд қилмай саранжомлаб олишларига яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Собир ЮСУПОВ,
«Ташвилоятюктранс» концернининг раиси.

ЗАМИН САҲОВАТИ

Она-замин бағрига уруғ сепган ғаллакор, шубҳасиз мўл ҳосил кутади. Аниқроғи, баракани ўзининг толмас билаклари, чин ихлоси, ҳалол пешона тери билан яратади. Меҳнат эвазига ер саховатини аямай, биринкетин ғалла хирмонлари уйилганда миришкор инсон ифтихорини яшира олмайди. Унинг қалби эришилган натижалардан завқланиб, ҳузур топади. Бугун Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» корпорациясининг ҳар бир ғаллакори шундай туйғу оғушида. Хўжаликда 830 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43 центнердан ҳосил олинди.

Кунларни тунларга улаб дала кезган раҳбарларнинг ҳам, меҳнатидан мамнун деҳқонларнинг ҳам бугунги кун ёдида қолади. Зеро, рўзғоримиз бутлиги, турмушимиз файзи — ғалладан, зеро — ДОН — буюк неъмат - НОН демакдир.

Суратларда: «олтин дала» манзараси; корпорация раҳбари Абдуғани Деҳқонбоевнинг кўнгли чоғ; заҳматкаш экан деҳқони, бутундир элнинг нони.

Равиль Шамсутдинов олган суратлар.







ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Шу йилнинг 24 июль куни «Камолот» жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди

ЎЗБЕКИСТОН мустақилликка эришган кундан бошлаб республикамизда ёшларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Албатта бунинг замирида чуқур сиёсий-ижтимоий маъно бор. Биринчидан, ҳар қандай давлатнинг келажаги ёшлар қўлида. Иккинчидан, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бораётган экан, бунда иқтидорли, ҳар томонлама етук ёшлар катта роль ўйнайдилар. 1996 йилнинг 17 апрелида республика Президентининг фармони билан ташкил этилган мамлакат ёшларининг «Камолот» жамғармаси сўзсиз бу йўлда қўйилган катта қадам бўлди. У ёшларимизнинг ўз билимлари, куч ва ғайратларини юртимиз равнақи йўлида сарфлашлари, ташаббускорликларига, тадбиркорликларига катта имкониятлар очиб берди.

«Камолот» жамғармаси ва унинг вилоят, туман, шаҳар бўлимлари таъсис этилганига уч ойдан ошди. Хўш, ўтган давр янги жамғарма ҳаётида қандай из қолдирди? Нималарга эришилди? Қандай йўналишлар, режалар белгилаб олинди? Кўни кеча «Камолот» жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг кенгайтирилган йиғилишида ана шу масалалар муҳокама этилди.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқарма бошлиқлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, йирик корхона, хўжалик раҳбарлари ҳамда «Камолот» жамғармаси вилоят, туман, шаҳар бўлимларининг раҳбарлари, вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими Эркин РЎЗИЕВ бошқариб борди.

Кун тартибидаги масала юзасидан «Камолот» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Ёқуб Турсунов маъруза қилди. Унинг таъкидлашича, ўтган даврда жамғарма ташкилий ишлар жараёнини амалга оширди. Бугунгача вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида жамғармаларнинг бўлимлари ўз фаолиятларини бошладилар. Шунингдек, жамғарма иштирокида жойларда қатор тадбирлар, турли учрашувлар, суҳбатлар, мусобақалар ўтказилди. Асосий эътибор ёшларни соғлом, маънавий баркамол, ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялашга, уларни иш билан таъминлашга қаратилмоқда.

Лекин, йиғилишда айтилганидек, барча шаҳар ва туманларда ана шу ишларга бош бўладиган «Камолот» жамғармаси бўлимларининг ишини ривожлантиришга етарли эътибор берилмаяпти. «Камолот» жамғармасини ташкил этиш юзасидан қабул қилинган Президент фармони ва вилоят ҳокимининг жамғармани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорини бажаришда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Айниқса, жамғарма бўлимларини маблағ билан таъминлаш масаласи эътибордан четда қолмоқда. Ана шунинг учун ҳам орадан анча вақт ўтганлигига қарамасдан Оққўрғон, Қибрай, Чиноз туманларидаги жамғарма бўлимлари ҳисоб рақамида маблағ етишмаяпти. Пискент, Бекобод, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Янгийўл туманлари, Олмалиқ ва Ангрен шаҳарларида ҳам жамғармага етарли ёрдам кўрсатилмаяпти.

Йиғилишда барча шаҳар ва туман ҳокимликларига мавжуд камчиликларни бартараф этиш, бир ҳафталик муддат ичида жамғарма бўлимлари фаолиятини таҳлил этиб, моддий ва маънавий кўмак бериш вазифалари юклатилди. Айни пайтда «Камолот» жамғармаси ишини ривожлантиришда жамғарма раҳбарияти ва унинг бўлимлари ҳаракат қилиши зарурлиги айтилди.

Дарҳақиқат, вилоят аҳолисининг асосий қисмини ташкил этувчи ёшлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларни мазкур жамғарма атрофида бирлаштириш, жамғарманинг ҳар томонлама оёққа туриб олиши учун ёрдам бериш келажакда ўз мевасини беради. Бу жамғарма нафақат ёшларни ишга жалб этиш, балки, тарбиялаш, билим бериш, тадбиркорлик, ишбилармонликка йўналтириш вазифалари билан ҳам шуғулланади. Шундай экан, бугун ёшларга нисбатан берилаётган эътибор келажак пойдеворини мустаҳкамлаш билан баробардир.

Йиғилишда республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси Ҳотам Абдураимов, республика президенти Девонининг етакчи мутахассиси Абди Маматов сўзга чиқдилар.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан махсус қарор қабул қилинди ва«Камолот» жамғармаси вилоят бўлимининг тадбирлари маъқулланди.

Олий таълим-96

ТЕСТ ИҚТИДОРЛИЛАРНИ ТАНЛАЙДИ

БУГУН олий ва ўрта махсус ўқув юртлари битирувчилари атрофида яхши умид, орзулар билан юрган ёшлар кўп. Уларнинг мақсадлари ягона: ўрта мактабдан, ишлаб чиқаришдаги икки-уч йиллик меҳнатдан, армия хизматидан сўнг ўқишни яна давом эттириш. Мазкур йилда кириш имтиҳонларини 200 мингдан зиёд ёшлар тест орқали топширадилар. Ёшлар билим савияларини бу усулда синаш тўрт йилдан бери давом этмоқда. У ўзини қанчалик оқлаяпти? Тест синовларининг қулайликлари нималарда ўз ифодасини топади? Уни такомиллаштириш йўлида қандай изланишлар олиб борилмоқда? Махсус мухбиримизнинг шунга ўхшаш қатор саволларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази раҳбари Муҳсин Муҳиддинов қуйидагиларни гапириб берди.

— Республикамиз мустақилликка эришгач, — деди Муҳсин Мўминович, — олий, ўрта махсус таълимни ривожлантириш, умуман мактаб, олий таълим, илмий-тадқиқот институтлари ҳамкорлигининг ягона тизимини вужудга келтириш масаласига жиддий эътибор бериб келинмоқда. Бу борада қатор тадбирлар белгиланди. Улар орасида билим бериш савиясини юқори даражага кўтариш, баркамол инсонни тарбиялаш, жаҳон маромми талаблари даражасидаги етук мутахассисларни тайёрлаш масаласи алоҳида ўрин тутади. Президентимизнинг олий ўқув юртларига ёшларни тест синовлари орқали қабул қилиш тўғрисидаги фармони ҳамда республика ҳукуматининг «1996-97 йилда Ўзбекистон республикаси олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисида»ги қарорида ана шу муаммони ҳал этиш йўллари ўзининг тўлиқ ифодасини топди.

Энди тест синовларининг олий ва ўрта махсус ўқув юртлари фаолиятидан мустаҳкам ўрин олаётгани масаласига келсак, бу усул ўзини тамомила оқлади. Америка Қўшма Штатларида юз йилдан буён абитуриентлар олий ўқув юртларига тест синовлари орқали қабул қилинадилар. Бу усулга ҳанузгача бирон марта эътироз билдирилмаганлиги эътиборга лойиқдир. Бошқа давлатларда ҳам тест кенг қўлланиб келинмоқда.

Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи бўлиб тест усулига ўтган бизнинг республикамизда ҳам у яхши самаралар берди. Аввало ўзи танлаган ихтисосликка чин ихлос қўйган, иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиш йўли очилди. Иккинчидан, абитуриентнинг кириш имтиҳонидаги тақдири якка шахсга боғлиқликдан ҳоли бўлди. Учинчидан, талабаликни орзу қилган йигит-қизлар тест синовларига масъулият билан ҳозирлик кўришга ўрганмоқдалар.

Шуни айтиш керакки, бизнинг марказимиз республика олий ўқув юртларида тест синовларини уюшқоқлик билан малакали ўтказиш, абитуриентларга ҳам, ўқитувчиларга ҳам қулайлик яратиш борасида анча самарали ишларни амалга оширди. Бир қатор йўриқномалар-тавсиялар тайёрланиб, тегишли жойларга етказилди. Ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ маслаҳатлар эса республика марказий газеталарида изчил бериб борилди.

Тест саволлари, топшириқлар, йўналиш берувчи мавзулар баён қилинган «Ахборотнома» деб номланган илмий-услубий журналнинг чиқарилиши марказ фаолиятида муҳим ўрин тутади. Журналнинг 15 та сонида биз жалб этган олимлар, олий ўқув юртлари, мактабларнинг энг малакали ўқитувчилари тузган, синовдан ўтган тестлар ўқувчиларга ҳавола этиб борилди. Олимпиада жараёнида икки вилоятдан келган ўқувчиларнинг йиққан баллари теппа-тенг бўлиб қолганди. Машинага бошқа топшириқлар дастурини жойлаб, худди футболдаги каби ёшлар яна мусобақага жалб қилиндилар. Қаранг, натижа яна тенг чиқди. Учинчи марта ўтган тест синовида қўйилган янги дастурга кўра болалардан бири бир балл билан ғолиб чиқди. Шуниси эътиборга лойиқки, ЭҲМ имтиҳонни адолатли ҳал қилиб берди. Ўтган йилги олимпиада ғолибларининг ҳаммаси бу йил олий ўқув юртларига тест синовларисиз қабул қилинадилар. Бу имтиёз ёшларда билимга қизиқишни тобора ошираверади.

Биз шу йилнинг ўзида учта муҳим янгиликка эришдик. Биринчиси шуки: тест саволлари топшириқларни тузишни компьютер зиммасига юкладик. Иккинчиси, тестларнинг кўп вариантлилиги жорий қилинди. Уларни ҳам ЭҲМ тайёрлаб беради. Яъни, бировга тушган савол бошқа бировга тушмайди. Шунинг учун айрим абитуриентлар хомтама бўлмаганлари маъқул. Учинчиси, ҳар бир вараканинг эгаси ким эканлигини, синов натижаларини машина хотирасига муҳрлаб қўяди. Натижалар акс этган варақа республика Давлат комиссиясига юборилади. Кабулни комиссия ҳал этади. Мабодо тестдан сўнг даъволар, тушунмовчиликлар бўлса, компьютер ўзи жавоб беравериди. Шу йўл билан биз абитуриент тақдирининг бир шахсга боғлиқлигига чек қўйдик ва кейинги турли баҳоналарга ўрин қолмади.

Яқинда давлат тест марказига мурожаат этишиб, қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги билим бериш даражасида фарқ бор, тестлар эса мураккаб тузилган, деб қолишди. Бу фикрга эътироз билдирмаган ҳолда биз ҳуқуқий давлат қуриш, ҳар соҳада жаҳон андозаси даражасида бўлишга эришиш йўлидан борар эканмиз, тестларни соддалик йўлига эмас, такомиллашув йўлига хизмат қилдиришимиз керак. Аксинча, ана шу даражага етиш учун умумтаълимни яхшилаш, мактабларда ўқув-тарбия самарадорлигини ошириш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Ана шуни ҳисобга олиб, тест синовларини мактабларга кўчириш, бора-бора ўн биринчи синфларда тест ўтказиб, олий ўқув юртига лойиқ балл тўпланаларни ўзлари истаган ихтисослик бўйича ўқув юртларига тест синовларисиз киришларини таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Бу, албатта, келгусининг иши. Ҳозир эса тестлар олий ўқув юртининг кундузги бўлимлари учун 1 августдан, сиртқи бўлимлар ҳамда техникумлар учун эса 10 августдан бошланишини яна бир бор эслатиб қўймоқчиман. Ҳукуматимиз бу йил тест синовларини ўтказиш масъулиятини ҳокимликлар, тегишли муассасалар зиммасига юклади. Бу олий таълимга кўрсатилган юксак эътибор бўлиши билан биргаликда, у ҳаммамизни жойлардаги олий ўқув юртларида тестларни қўлмўлик билан, қатъий интизомга риоя этган ҳолда, талаблар даражасида ўтказишга даъват этади. Мен фурсатдан фойдаланиб, бу йил олий ўқув даргоҳларига яхши ниятлар билан келган барча талабаларга омад тилайман.

Суҳбатдош:
Саидвали ҲАСАНОВ.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

- *Халқаро иқтисодий аҳвол БМТ таҳлилида*
- *Бой ва қашшоқ мамлакатлар ўртасидаги фарқ йилдан-йилга катталашиб бормоқда*
- *Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жарёни нимага бориб тақалди?*
- *Назорат гуруҳи иш бошлади*
- *«Галилео» олган суратлар янги фазовий кашфиётларга асос бўлмоқда*

РАҚАМЛАР НИМА ДЕЙДИ

ЯҚИНДА Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жаҳон мамлакатлари иқтисодий тараққиёти аҳволига бағишланган навбатдаги йиллик маърузаси эълон қилинди. Мазкур маърузага ҳамиша қизиқиш катта бўлган. Чунки, у дунёдаги катта-кичик давлатларнинг иқтисодий «руҳияти»ни кўзгудагидек акс эттиради. Шу боис баён этилган фикрлар, чиқарилган якунларга қараб, башарият олдида турган иқтисодий муаммоларга баҳо берилади. Зеро, айни пайтдаги тараққиёт ҳар бир миллат, ҳар бир жамият, ҳар бир мамлакатнинг келажак тақдирини белгилайди.

Беш қўл баробар бўлмаганидек, ҳеч қачон бир хил ривожланиш ҳам бўлмайди. Кимдир олдинда, кимдир орқада. Бу — табиий. Лекин, сўнгги йилларда умумжаҳон миқёсидаги иқтисодий ўсиш йўналиши ва саводхонлик борасидаги мусбатлар салбий хулосалар чиқаришга асос бўлмоқда. Чунки, асосий даромадлар ривожланган оз сонли минтақалар қўлида тўпланмоқда. Улар аҳолининг кўпчилик қисмини ташкил этган одамларга наф келтирмаётир. Жумладан, Бразилия ва Гватемала сингари мамлакатларда аҳолининг 20 фоиз бой қатлами жамиятнинг камбағал қисмига қараганда 30 марта кўп даромад қилмоқда. Курраи заминимизнинг 80 фоиз аҳолиси яшайдиган, ривож босқичида бўлган мамлакатлар зиммасига дунёда ишлаб чиқарилган жами маҳсулотнинг атиги 20 фоизигина тўғри келади. Ривожланган ва ривожланаётган давлатларда жон бошига ҳисоблаганда йиллик даромадга тегишли фарқ 1960—1993 йиллар оралиғида уч марта кўпайди. Бошқача қилиб айтганда узилиш 15 минг 400 доллардан 5700 долларга тушди. Ҳатто, АҚШдай давлатда ҳам бу кўрсаткич 20 ва 36 фоизни ташкил этди.

Маълумотлар йиғилган 174 мамлакатнинг аксариятида ана шундай вазият ҳукм сурмоқда. Бундай жараёнлар натижасида ер юзидаги аҳолининг чорак қисми, яъни 1,6 миллиард киши айни пайтда қашшоқлик чегарасида ҳаёт кечирмоқда. Ваҳоланки, 1960—1993 йиллар мобайнида дунёвий даромад олти марта ўсиб, 23 триллион долларга етди. Қашшоқлик оқибатида болалар ўртасида ўлим кўпаймоқда, саводхонлик савияси пасаймоқда, рўзғор тебратиш тобора оғирлашмоқда, ишсизлик жонга тегмоқда.

Маърузада таъкидланишича, бой давлатлар рўйхати бошида Канада, АҚШ, Япония, Нидерландия, Норвегия турипти. Ривожланаётган давлатларнинг олдинги сафларида Кипр, Барбадос, Багама, Жанубий Корея, Аргентина бормоқда. 174 мамлакат ичида Ангола, Афғонистон, Сомали, Мали, Нигер сингарилар энг охирги ўриндалар.

Хўш, ана энди бизнинг Ўзбекистонимиз БМТдай нуфузли халқаро ташкилот таҳлилиётида нечанчи ўринда, деган савол туғилиши мумкин?

Ўзбекистон ўрта кўрсаткичли мамлакатлар гуруҳи таркибида бўлиб, юқори, ўрта ва паст кўрсаткичли жами мамлакатлар ичида 94-сатрда турипти. Унинг мустақилликка эришганлигига атиги беш йил бўлганлигини инобатга оладиган бўлсак, бу унчалик ёмон ўрин эмас. Индонезиянинг 102-, Мисрнинг 106-, Хитойнинг 108-, Вьетнамнинг 121-, Покистоннинг 134-,Ҳиндистоннинг 135-, Суданнинг 146-ўриндалигини кўрганимиздан сўнг Ўзбекистон хусусида аллақандай фахр ва ғурур туйғуси уйғонади. Бундай ютуқларга эришаётганлигимизнинг асосий сабаби — республикамиз раҳбариятининг оқилона ички ва ташқи сиёсат юргизаётганлиги, ўзимизга хос ва мос тараққиёт йўлини танлаганлигимиз, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошираётганлигимиз, умумжаҳон ялпи интеграциясига муваффақиятли қўшилаётганлигимиздир, деган хулоса чиқаришга маънавий ҳуқуқ беради. Яқинда — Асакада «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси очилиши маросимида сўзлаган нутқида юртбошимиз таъкидлаганидек, «Ватанимизнинг буюк келажагига бутун вужудимизни, бутун борлиғимизни бахш этиб ишласак, ҳар бир юксак марра ҳам бизники» бўлади.

ОЛИМЛАР ҲАЙРАТГА ТУШГАНДА

ИНСОНИЯТ тарихида шундай кашфиётлар бўладики, уларга дафъатан баҳо бериш қийин кечади. Улар таажжубга солади, лол қилади. Юпитер сайёрасининг йўлдоши — Ганимеда юзасидан олинган суратлар ҳам ана шундай шов-шувларга сабаб бўлди. Чунки, бу йўлдош «чеҳраси»ни одамзод биринчи марта кўрмоқда эди.

«Галилео» космик кемаси бор йўғи 726 километр узоқликда учиб ўтаётганда Ганимеда йўлдоши суратга олинди. 1979 йилда «Вояжер» кемаси учирилганда бу оралиқ 70 марта узоқ бўлган эди. Кузатилган суратлар Юпитернинг улкан йўлдоши сатҳида ғайриоддий яъни табиий геологик жараёнлар давом этаётганлигини кўрсатди. Бу кучлар тоғлар ҳамда бошқа минтақаларни вужудга келтирадиган қувватларга ўхшайди. 1989 йилда учирилган «Галилео» кемасининг тадқиқотлари фазовий бўшлиқлар билан шуғулланадиган барча илмий даргоҳларни ларзага солди. Чунки Юпитер йўлдоши яъни Ганимеда Миррих сайёрасининг тўртдан уч қисмига тўғри келади.

Яқин масофадан олинган суратлардан Ганимеда сатҳи тоғ жинслари ҳамда музликлар билан қопланганлиги яққол кўриниб турипти. Чуқурликлар, сойликлар ва бошқа геологик ҳосилалар вулқонлар отилишидан, зилзилалар борлигидан дарак беради. «Галилео» ичидаги бошқа асбоб-ускуналар эса Ганимеданинг ўзигагина хос магнит муҳити борлигини кўрсатди. Бундан йўлдош марказида эриган катта ҳажмдаги темир оқими ёхуд юпқа қатламли шўр сув бўлиши мумкин деган хулосага келинади. Ганимедадан олинган барча маълумотлар АҚШ олимлари томонидан фаол ўрганилмоқда.

ВОҚЕАЛАР ТЎЛҚИНИДА

● КУНИ кеча РФ президенти Б. Н. Ельцин бош вазир В. С. Черномирдин билан учрашди. Унда президент сайловидан кейин тузиладиган ҳукумат таркиби муҳокама этилди.

● ЧЕЧЕНИСТОНДАН олинган хабарларга қараганда, муҳолифатчилар раҳбари З. Яндарбиев собиқ СССР Олий Совети Раиси Р. И. Хасбулатовни Москва билан олиб бориладиган музокаралардаги маслаҳатчилар раиси этиб тайинлаган.

● ПОКИСТОННИНГ Лаҳор шаҳри аэропортида катта портлаш юз берди, 9 киши ҳалок бўлди, 40 нафар одам жароҳатланди.

● ТОЖИКИСТОННИНГ Тавилдара туманида ҳукумат қўшинлари билан муҳолифатчилар ўртасидаги қуролли тўқнашувлар яна бошланди.

● МЎҒУЛИСТОН парламенти янги бош вазир лавозимига тавсия этилган 41 яшар иқтисодчи Мэндсайхан Энхсайхан номзодини тасдиқлади.

● СЕРБ томони Вашингтон талабини қондирди. Инсониятга қарши жиноят қилишликда айбланган Босния серблари раҳнамоси Р. Каражич сиёсий саҳнадан кетди.

Жанубий Кореяда бундай ажойиб асори-атиқалар жуда кўп. Уларни сайёҳлар қизиқиб томоша қиладилар.



ЯҚИН ШАРҚ: ОҚ-ҚОРА РАНГЛАР

ЯҚИН Шарқ мавзусини ғарб матбуоти «Мангу мавзу» деб атайди. Зеро Яқин Шарқда осойишталик ҳеч қачон турғун бўлган эмас. Бу ерда оқ рангни — тинчликка, қора рангни — ихтилофларга менгзайдилар. Чунки, бу икки маъво ҳамиша ўрин алмашиб туради. 1967 йилдаги араблар билан исроилликлар ўртасидаги қисқа муддатли уруш, Ироқ-Қувайт можароларидан сўнг ҳам қарама-қарши туришлик барҳам топмади. Айниқса, бултурги йил охири ҳамда жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида кўпгина фожиавий воқеалар содир бўлди.

Исроил бош вазири И. Рабиннинг ўлдирилиши, Фаластин мухторияти ҳудудларидаги бошбошдоқликлар, Лубнон жанубидаги қуролли тўқнашувлар, Тель-Авив кўчаларидаги террорчилик ҳуружлари, «Ҳамас», «Ҳизбуллоҳ» каби жангари гуруҳларнинг «жиҳод»лари, Саудия Арабистонининг Даҳран деган жойидаги фалокатлар... Бундай фавқулодда ҳодисалар оқибатида қанча-қанча бегуноҳ одамлар нобуд бўлди, вайронагарчиликлар кўпайди, қаҳатчилик авж олди.

Шу йил май ойида Исроилда бўлиб ўтган бош вазир ҳамда парламент сайловларидан кейин ҳам умид уфқлари равшанлашмади. Исроилнинг янги бош вазири Беньямин Нетаньяху «бошқача» чиқиб қолди. Унинг дастак дастури АҚШ, Франция, Россия, Миср, Сурия каби йирик давлатларнинг саъй-ҳаракатлари билан бир неча йил давомида қарор топтирилган «тинчлик ўрнатиш йўли»га батамом тескари бўлди. Унинг АҚШга, Мисрга қилган сафарлари ҳам вазиятга аниқлик киритмади. Ҳозирча Яқин Шарқда тинчлик ўрнатишдек бош тамойил боши берк кўчадан чиқиб кета оладими, йўқми, деган савол мавҳумлигича қолмоқда.

Яқин Шарқда вужудга келган «сиёсий чоҳ»дан қутулиш борасида уринишлар қилинмоқда. Жумладан, яқинда Лубнон ва Исроил чегараларидаги тўқнашувларни кузатиш вазифаси зиммасига юклатилган назорат гуруҳи иш бошлади. Унинг таркибида АҚШ, Франция, Исроил, Лубнон, Сурия вакиллари бор. Ўтган сешанба куни эса Ғазо минтақасида Фаластин мухторияти президенти Ёсир Арофат билан Исроил ташқи ишлар вазири Девид Леви ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Лекин, юқоридаги каби саъй-ҳаракатларнинг салмоқли натижалар беришига кўпчиликнинг кўзи етмаётир. Чунки, оғзи куйган одам совуқ сувни ҳам пуфлаб ичади, дейдилар.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

АТЛАНТА ОЛИМПИАДАСИ КУНБА-КУН



ЎЗБЕКИСТОН жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида Олимпиада маркази ишлаб турипти. Ҳар куни эрталаб ва кечки пайт Атланта билан алоқа боғланмоқда. Ўзбекистон спортчилари эришаётган натижалари ҳақида қисқа ва лўнда ахборотлар келиб турипти. 24 июль куни марказга бокс, дзюдо, оғир атлетика ва сузиш турлари бўйича вакилларимиз эришган натижалар ҳақида хабар қилишди. Боксчилар мусобақасида етти вакилимиздан беш нафари ғолиблик учун мусобақаларни давом эттиришмоқда. Вилоятимиз вакили 81 килограммгача вазнликлар баҳсида ангренлик Темир ИБРОҲИМОВ Украина боксчиси Залуковичн билан учрашиб, 7:3 ҳисобида ғолиб келди. Дзюдочи чирчиқлик Андрей ШТУРБАБИН кучли ўнликдан жой олди (еттинчи ўрин). Оғир атлетикачи Бахтиёр НУРИЛЛАЕВНИНГ штангани даст кўтаришда уч бор уриниши самарасиз тугади ва у мусобақадан чиқиб кетди.

Грек-рим тури бўйича қатнашган Григорий ПУЛЯЕВ 68 килограммгача вазнлилар баҳсида олтинчи бўлди. Афсуски, шу турда қатнашган вакилларимиз Ш. Худойбердиев, Ш. Қўзиев, Б. Қурбоновлар саралаш баҳсларида ютқазишиб, келажак беллашувларда қатнашмайдиган бўлишди.

Сузувчиларимиздан Олег ПУХНАТИЙ, Дмитрий ПАНЬКОВ, Александр АГАФОНОВ ва Сергей КЛЕШКОЛАР 4х200 метрга эстафетали сузишда 12-ўринни олишди. Ўқ отиш турида Шуҳрат АҲМЕДОВ 9-ўринни эгаллади. У 563 очко тўплади. Теннисчимиз Олег ОГОРОДОВ Венгрия вакили Новалини 2:0 ҳисобида енгди.

Олимпиаданинг 25 июль куни ўтказилган мусобақаларида Ўзбекистон вакиллари қуйидаги натижаларга эришдилар:

Мусобақани давом эттираётган беш боксчимиз ўртасида биринчи бўлиб Наримон ОТАЕВ чорак финалга чиқди. 67 килограммгача вазнлилар баҳсида қатнашаётган Наримон Қирғизистон вакили Қосимовни 11:7 ҳисобида мағлубиятга учратди. Энди боксчимиз бир мартагина ғалаба қозонса медал соҳиби бўлади. Дзюдочи Темир МУҲАММАДХОНОВ Молко Ондорани енгиб, кейинги босқичда Болгария спортчиси Нетовга ютқазди ва баҳсдан чиқиб кетди. Гимнастикачи Оксана ЧУСОВИТИНА 38,743 балл тўплаб, кучли ўнликдан жой олди. Украина вакили Подкопаева 39,255 балл тўплаб, Олимпиаданинг олтин медалига сазовор бўлди. Анастасия ДЗЮНДЗЯК эса 37,224 балл билан 31-ўринни олди.

Сузувчи Равил НЕЧАЕВ 50 метрга эркин усулда сузишда 29,91 секунд натижа кўрсатиб, 64 қатнашчи ўртасида 46- бўлди. 200 метрга комплекс усулда сузишда Олег Пухнатий 1 минут 06.34 секунд натижа кўрсатди. Бу Ўзбекистоннинг янги рекорди ҳисобланади. Бироқ жаҳон миқёсида бу натижа спортчимизга 25-ўринни эгаллаш имконини берди.

Қатор турлар бўйича мусобақалар якунловчи босқичга кирди.

«БАЙНАЛМИНАЛ» ЯНА ҒОЛИБ

ТОШКЕНТНИНГ «Байналминал» клуби сафида асосан ногирон футболчилар ўйнайди. Клуб президенти А. Будогосский ва мураббий Х. Орипов ўз режалари ҳақида фикр мулоҳазалари билан ўртоқлашиб «Байналминал» нафақат Ўзбекистонда балки собиқ иттифоқ миқёсида энг кучли футбол клубларидан эканлигини, Волгоградда «Рождество-96» халқаро турнирида 12 жамоа қатнашганини ва тошкентликларга тенг рақиб топилмаганлигини ҳикоя қилган эди.

Мана Санкт-Петербургда ногирон футболчилар ўртасида ўтказилган Россия очиқ чемпионатида ҳам «Байналминал» кучли эканлигини исботлади. Тошкентликлар Владикавказнинг «Ирис-тон-Автодор» жамоасини 3:0, Барнаулнинг «Инв-Эско-Спорт» жамоасини 7:0, Москванинг «Спартак» клубини 2:1, Кемеровонинг «Кузбасс» ва Барнаулнинг «Олтой» жамоаларини бир хил — 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, Москванинг «Минкас» жамоаси билан 1:1 ҳисобида дурранг ўйнаб, фақат Киевнинг «Афғон» жамоасига ютқазишди. 7 ўйинда 16 очко тўплаган «Байналминал» бош совринни қўлга киритди.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

ҲАФТАЛИК TV «Тошкент ҳақиқати» TV КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Мусиқий хазина». Феруз.
9.00 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади». Публицистик кўрсатув.
9.30 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Футбол шарҳи.
10.20 «Бола бошидан...» Мактабгача тарбия масалалари.
10.50 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
11.15 Эртаклар — яхшиликка етаклар. «Оби ҳаёт». Жиззах қўғирчоқ театрининг спектакли.
11.45 Тақдир. «Меҳрингизга ташнаман...».
12.15 «Силовсин овга чиқди». Бадиий фильм.
13.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
14.00 Янгиликлар.
14.05 УзТВ хазинасидан. Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 1-қисм.
15.10 — 15.25 «Атланта-96».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эркатой».
18.30 «Кулги дармон дейдилар».
18.50 «Мозийдан садо».
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.10 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Бухоро вилояти.
21.50 «Зарчашма».
22.05 Бу оқшом...
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.20 Мусиқий дақиқалар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон кубоги. «Дўстлик» — «Навбаҳор».
00.40 «Оламга саёҳат».
01.10 Тунги тароналар.
01.30 — 01.40 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Услуб».
18.25 «Палитра».
18.55 «Мультфейерверк».
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон».
20.10 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Курьер».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.30 «Клип-антракт».
22.35 — 23.35 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ёз манзаралари». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси 18.10 — 20.35
20.35 «Карачингиль». Телефильм.
Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 «Кодлар». Телефильм.
Россия давлат телевидениеси 22.40 — 23.15
*
23.15 «Фильмлар ва тақдирлар».
23.55 — 24.00 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Қўзмунчоқ». Болалар учун дастур.
19.30 «Авл».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Йўлингиз беҳатар бўлсин!».
20.40 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.35 «IV канал эксклюзиви».
22.05 «Спорт-тайм».
22.35 Эълонлар.
22.40 «Ҳуқуқ ҳимоячилари».
23.05 «Гулшан дийрим» («Тошкентнома»).
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 «Тошкент фавворалари». Телефильм.
9.30 «Оналар мактаби». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Рақслар гулдастаси».
Ўқув машғулотлари:
10.30 Абитуриент-96. Математика.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Абитуриент-96. Она тили.
*
12.00 «Қимматли бола». Бадиий фильм.
13.20 «Алла» ижрочиларининг кўрик-танлови.
14.00 Янгиликлар.
14.05 УзТВ хазинасидан. Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 2-қисм.
15.10 — 15.25 «Атланта-96».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиатшунослар клуби». Болалар учун кўрсатув.
18.30 «Спорт. Спорт. Спорт».
18.40 «Виждон». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дурдона».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Бизнес-академия».
21.20 «Д.Д.Д. ва бошқалар».
21.55 УзТВ экранида биринчи марта. «Товус-малика». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Мусиқий саёҳат».
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.05 «Мультфейерверк».
19.15 «Блиц». Фотокўрик.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.25 — 00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Пружинкул». Мультфильм.
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
18.10 — 20.35
*
20.35 «Шарқнинг етти гўзали». Фильм-концерт.
Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
Россия давлат телевидениеси 22.25 — 23.00
*
23.00 «Сочидаги қоронғи тунлар». Бадиий фильм. 1-серия.
24.00 — 00.05 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Янги иқтисод».
21.25 Эълонлар.
21.30 «Кашфиётлар ва ихтиролар».
22.00 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
22.15 «Спорт-дайджест».
22.45 Эълонлар.
22.50 «Океандан океангача». USA-круиз.
23.20 «Балет, балет...»
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Эстрада қўшиқлари.
9.00 «Китоб ва ҳаёт». Тележурнал.
9.30 Болалар учун. «Оромгоҳлар қўйнида».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кашф этилаётган имкониятлар». Ҳиссадорлар ҳиммати.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Абитуриент-96. Кимё.
11.00 «Ассалом, япон тили!».
11.40 Абитуриент-96. Физика.
*
12.10 Қўқон шаҳар «Сарвигул» ансамблининг концерти.
12.40 «Ислоҳот ва масъулият».
13.10 «Нафосат дунёси». Кинодастур.
13.50 «Ишқ қиссаси». Катталар учун мультфильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 УзТВ хазинасидан. Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 3-қисм.
15.10 «Атланта-96».
15.25 — 15.55 «Бахтиёр Холхўжаев куйлаганда». Фильм-концерт.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун концерт.
18.25 «Автоолам».
18.40 «Сайрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.00 Шеърият лаҳзалари.
19.05 «Замон билан ҳамнафас».
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Фольклор-этнографик жамоаларининг «Зилол» телевизион фестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Жаҳон киноси юлдузлари». Жулия Робертс.
21.40 «Шаҳар бедарвоза эмас...»
22.05 «Дубль».
22.15 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.20 «Оҳанглар оғушида».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Табиат дунёси».
19.10 «Мультфейерверк».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...».
20.20 Видеоклип.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.20 «Гиннес-шоу».
22.45 — 23.45 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Красавка». Телефильм.
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
18.10 — 20.35
*
20.35 «Эсдалик учун дастхат».
Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
Россия давлат телевидениеси 22.25 — 23.25
*
23.25 «Сочидаги қоронғи тунлар». Бадиий фильм. 2-серия.
00.25 — 00.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Маънавият сарчашмалари».
19.35 «Иқтисодиёт уфқлари».
20.05 «Жаҳон болалари».
20.35 Эълонлар.
20.40 «Кинематограф».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Нафосат гулшани».
22.05 «Тошкент оқшомида».
22.50 Эълонлар.
22.55 «Юлдузлар жилоси».
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Жаҳон киноси юлдузлари». Жулия Робертс.
8.55 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 Лирик тароналар.
9.45 «Кулол Раим бобо». Телефильм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Таълим ва ислоҳот». Малакали мутахассислар тайёрлаш вазифалари ва муаммолари.
10.30 «Қувноқ ёз ўтмоқда соз».
11.00 «Ғойиб бўлди осмонда қушча». Мультфильм.
11.10 Ҳамкорликнинг амалий натижалари.
11.25 «Ринг». Бадиий фильм.
13.00 «Инсон ва замин». Тележурнал.
13.30 «Сомон йўли». Мусиқий публицистик кўрсатув.
14.00 Янгиликлар.
14.05 УзТВ хазинасидан. Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 4-қисм.
15.10—15.25 «Атланта-96».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Катта танаффус».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Дилнавоз садолар».
19.00 «Аввал иқтисод...».
19.15 «Кўзгудаги акс». Фототанлов.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Марказ ва минтақалар».
21.35 «Мутойиба».
21.45 «Одобнома».
21.55 «Омонлик тилаймиз».
22.00 Олтин мерос. «Шоҳ Эдип». Телеспектакль.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автосалон».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Хобби-холл».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35—00.05 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Қўриқхонадаги қуш уялари». Телефильм.
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
18.10 — 20.35
*
20.35 «Сеҳрли най». Телефильм.
Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 Эълонлар.
Россия давлат телевидениеси 22.30 — 23.00
*
23.00 — 23.05 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.30 Эълонлар.
19.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.25 «Каталог».
20.40 Эълонлар.
20.45 «02» тўлқинида.
21.00 «Эколот-коктейль».
21.30 «Компьютер-ревю».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
22.50 — 23.00 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Юзма-юз».
8.45 Ўзбек куйларидан концерт.
9.15 «Атланта-96».
9.30 «Эъзоз». Телеочерк.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Сиҳат-саломатлик». Тележурнал.
10.35 Болалар учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
11.10 «Ўзбекистон — телевидение Ватани».
11.40 «Фильм суратга олинди...» «Ўзбектелефильм»да яратилган янги фильмлар.
12.20 «Фермер». Тележурнал.
12.50 «Маърифат» видеоканали.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.35 УзТВ хазинасидан. Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 5-қисм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Синфдош».
18.30 «Аудитория».
18.55 Бизнес ҳафта якунлари.
19.05 «Ҳавас—ТВ».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Ривоят».
21.30 «Сизлардан ишорат».
21.55 «Репортаж».
22.25 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Мафтункор чеҳралар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Бизнес ҳафта якунлари.
00.05 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Сизнинг имконият».
18.50 «Мусиқа, холос».
19.05 «Бизнес-уик».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Видеогид.
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ II намойиш этади.
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.20—23.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Дарҳон». Телефильм.
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.15 — 20.35
*
20.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт кўрсатуви.
Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 — 22.35 Эълонлар.
Россия жамоат телевидениеси 22.35 — 23.45
*
23.45 — 23.50 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Учқун».
19.05 «Учқун».
19.35 «Билиб қўйган яхши».
20.00 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 Эълонлар.
20.35 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.05 «Долзарб репортаж».
21.35 Эълонлар.
21.40 «Бу бўстон аро...»
22.10 «Кайфият».
22.40 — 22.50 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Аёл борки, олам мунаввар...» Публицистик кўрсатув.
9.35 «Саҳна ҳаёти». Тележурнал.
10.10 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
10.45 Пойтахт концерт залларида.
11.20 «Малина виноси». Бадиий фильм.
12.50 «Рангин дунё». Бадиий публицистик кўрсатув.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
13.20 «Менга сўз беринг».
14.20 «Ёшлар ва замон».
14.40 «Атланта-96».
14.55—15.20 «Оқибат».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Ҳайрат».
18.50 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Мактуб».
19.15 «Оққуш».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Оҳанглар оғушида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ишингиз барориддан келсин!».
21.20 «Ўзбекистон — Ватаним маним!»
21.35 «Кўнгил».
21.55 Мусиқа салтанати.
«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:
22.15 «Мўъжиза».
22.30 «Имкон чўққилари».
22.45 «Эрамиздан миллион йил аввал». Бадиий фильм.

II

18.00 «Мультфейерверк».
18.10 «Уйинчоқлар растаси».
18.20 «Хужжатли кино экрани».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бангкок — Хилтон». Телесериал.
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05—23.45 Видео — «О».

III

17.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
Россия жамоат телевидениеси 17,30 — 20.35
*
Россия давлат телевидениеси 20.35 — 23.05
*
Россия жамоат телевидениеси 23.05 — 23.50
*
23.50 — 00.10 «Тошда акс этган қуёш». Телефильм.

IV

«Чинор» видеоканали:
10.00 «Замандас».
10.30 «Бизнен мирас».
11.00 Эълонлар.
11.05 «Умид».
11.35 «Чинсэн».
12.05 Эълонлар.
12.10 — 13.25 Болалар учун фильм. «Шаҳзода ва гадо».
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Олам ва одам».
19.25 «Рақслар қанотида».
19.50 Эълонлар.
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 «Спорт-дайджест» (рус тилида).
21.15 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.20 Эълонлар.
21.25 «Эллада».
21.55 «Америка билан учрашув». Телешоу.
22.15 Эълонлар.
22.20 Кинонинг олтин асри. Омар Шериф «Севги ҳақида миш-мишлар» фильмида (Миср).
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!».
11.00 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 2-кўй.
11.40 Достон қўшиқлари.
12.10 «Орзули олам бу...». Телеочерк.
12.40 «Қишлоқ ҳаёти». Тележурнал.
13.10 «Мультипанорама».
13.40 «Нурли йўллар». Темирйўлчилар кунига бағишланади.
14.10 «Атланта-96».
14.25 «Ташриф». Дам олиш дастури.
14.55—15.55 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «LEGO сайёраси».
18.15 «Виждон». Телесериал.
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Юлдузлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Буюк келажак сари. «Ўзбектелефильм» тақдим этади: «Олис юлдуз шуъласи».
21.25 Илҳом сатрлари.
21.30 «Шахс ва бахс».
21.55 «Келгуси ҳафтада».
22.10 УзТВ экранида премьера. М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 3-кўй.
22.50 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 Футбол. Ўзбекистон кубоги. «Трактор» — «МХСК».
00.45 Тунги тароналар.
00.55—01.05 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 «Мультдаста».
18.15 «Боланинг тили...»
18.25 Эълонлар.
18.30 «Даракчи».
18.40 «Дармон».
18.50 «Мусиқий майдонча».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Табиат шифохонаси».
20.10 «Дилором наволар».
20.20 «Транспорт ва йўловчи».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Ал Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал.
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30—00.10 Видео — «О».

III

16.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
Россия жамоат телевидениеси 16.10 — 21.30
21.30 Эълонлар
Россия давлат телевидениеси 21.35 — 22.05
22.05 — 22.30 «Панорама».

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 Эълонлар.
10.35 «Ўқувчи шифокорлар». Телесериал (Англия).
11.25 «Парле ву франсэ?» Француз тили ҳамма учун.
11.55 Эълонлар.
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 «Бу ажиб дунё».
12.30 «Дарвоқе». Дам олиш дастури.
12.55 Киносалон. «Кунлардан бир куни Америкада». Бадиий фильм.
14.25 Араб эстрадаси.
14.40 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
16.10 «Оқ соя». Марат Содиқов.
16.40 «Мусиқий олимп».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «ТВ IV да етти кун» (ўзбек тилида).
19.15 «Телеташриф».
19.25 Эълонлар.
19.30 Киносалон. «Бир вақтлар ёввойи ғарбда». Сержа Леонининг ушбу фильмида Ч. Бронс, К. Кардинале, Д. Фонда, К. Иствуд иштирок этадилар.
22.10 Эълонлар.
22.15 «Туризм-ревю».
22.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Иштирок этувчилар». А. Ҳамроев.
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

Акмал Икромов туманидаги
«БИЗНЕС-МУДАББИР» фирмаси ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 74-66-87 рақамли телефон бўйича қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими:* *33-40-48* *Эълонлар:* *33-99-15, 36-57-27.*

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0366. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 8553 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 17.15. 1 2 3 4 5 6